ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОНЛАРІ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 128 (17.708). • 4 июнь 1980 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА СОВЕТ ОЗАРБАЙЖОНИ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА БОШЛАНДИ. ҚАРДОШЛАРИМИЗ БИЛАН УЧРАШУВ ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ МОНОЛИТ БИРЛИГИНИ, УЛАРНИНГ ЎЗ МУВАФФАҚИЯТЛАРИНИ КУПАЙТИРИШГА, КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА АСТОЙДИЛ ИНТИЛАЕТГАНЛИГИНИ НАМОЙИШ ҚИЛУВЧИ ЯНГИ ЕРҚИН ДАЛИЛДИР.

ДЎСТЛИК–СОВЕТ КИШИЛАРИ БАРЧА ҒАЛАБАЛАРИНИНГ МАНБАИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида учрашув

ТОШКЕНТ. 1980 йил 3 июнь. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Озарбайжон ССР делегациясининг қабул қилиниши. (ЎзТАГ фотоси).

3 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Озарбайжон ССР-нинг Ўзбекистон ССРда ўтказиладиган адабиёт ва санъат кунларида қатнашиш учун келган Озарбайжон ССР делегацияси билан, қардош республика ижодий союзларининг раҳбарлари, таниқли маданият арбоблари билан учрашув маросими ўтказилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан меҳмонларни, улар орқали қардош республика меҳнаткашларини самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистонда ўтказилаётган Озарбайжон адабиёти ва санъати кунларининг ғоят катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, маданият ва санъат арбобларининг қардош республикаларда ўтказилаётган бошқа учрашувлари каби ҳозирги тантаналар ҳам миллий маданиятларнинг яқинлашуви ва бир-бирини бойитишидан иборат объектив жараённи жадаллаштиришга ёрдам беради, деб уқтириб ўтди.

Биз, деди Ш. Р. Рашидов, Совет Озарбайжонининг эришган муваффақиятларидан хурсандмиз. Совет Озарбайжони ҳали яқиндагина бутун мамлакат билан биргаликда Озарбайжон Республикаси ва Компартиясининг 60 йиллигини нишонлади. Озарбайжон йил сайин юксалмоқда, Ватанимизнинг ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантиришда Озарбайжоннинг қўшаётган ҳиссаси тобора салмоқли бўлиб қолмоқда. Бу — ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлилари фидокорона меҳнатининг натижаси, КПССнинг жанговар отряди — Озарбайжон Коммунистик партияси самарали фаолиятининг натижасидир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Гайдар Алиевич Алиев Озарбайжон Коммунистик партиясига етакчилик қилмоқда. Биз барча иттифоқдош республикаларнинг ютуқлари каби бу муваффақиятларда ҳам улуғ Ленининнинг васиятлари амалга ошганлигини, ленинча доно миллий сиёсат тантана қилганлигини кўриб турибмиз. Бу муваффақиятлар совет кишиларининг комил ишонч билан бизни коммунизм сари бошлаб бораётган жонажон Коммунистик партияга чексиз садоқатини ёрқин исбот этади.

Озарбайжон ва Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет халқлари билан биргаликда Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини, совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 35 йиллигини жуда катта муваффақиятлар билан нишонладилар. Биз йил сайин мустаҳкамланиб бораётган халқлар дўстлиги барча муваффақиятларимизнинг манбаи эканлигини доим яхши биламиз ва буни асло эсдан чиқармаймиз. Кўп миллатли совет оиласининг қардошларча ёрдами ва аввало олижаноб улуғ рус халқи барча халқ ва миллатларга кўрсатаётган беғараз, саховатли ёрдами республикаларимиздан ҳар бири учун қандай аҳамиятга молик бўлиб келаётганлигини яхши биламиз ва доимо эсда тутамиз.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг мусобақадош дўстлари билан учрашувни сабрсизлик билан кутган эдилар. Улар партия XXV съездининг қарорларини амалга ошириш соҳасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар, ўзларининг куч-ғайратларини ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, ўрток Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини шараф билан бажаришга сафарбар қилмоқдалар. Саноат ходимлари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик топшириғини муваффақиятли тугалладилар. Қурувчилар, янги ерларни ўзлаштирувчиларнинг социалистик мусобақаси кенгайиб кетди. Деҳқонлар мўл пахта, дон ва бошқа экинлар ҳосилини Ватанга сотишга қатъий бел боғлаганлар. Республика чорвадорлари Леонид Ильич Брежневнинг пойтахт области меҳнаткашларига йўллаган табригидан илҳомланиб, гўшт, сут, жун етиштиришни жадаллаштирмоқдалар. Республика чорвадорлари бу йил анча катта муваффақиятларга эришдилар.

Озарбайжон ССР делегациясининг раҳбари, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Бағиров Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, адабиёт ва санъат кунлари қатнашчилари номидан қардош ўзбек халқига қизғин салом топширди, ўзбек халқининг Ленин партияси режаларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилади. К. М. Бағиров республикада Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларини ўтказишга таклиф қилганликлари учун, ўзбек диёрида Озарбайжон вакиллари шоду хуррамлик билан кутиб олинаётганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига чин кўнгилдан ташаккур билдирди. У Совет Озарбайжонининг экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида гапирди. К. М. Бағиров Боку коммунасининг раҳбарлари — революциянинг оташин баҳодирлари, пролетар интернационализмининг байроқдорлари тасвирланган ва мисга ўйиб ишланган панноии ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига совға қилиб топширди.

Учрашувда СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Н. М. Грибачев сўзга чиқди. Ўзбек ва озарбайжон адабиёти, унинг моҳир усталари билан дўстлик ришталари, деди у, кўп йиллардан буён мени улар билан маҳкам боғлаб келмоқда. Мен ана шу дўстлик байрами Ўзбекистон ва Озарбайжон маданиятларини бойитишини, кўп миллатли совет адабиётининг муштарак бахтсаодатига хизмат қилишини астойдил истайман. Мен Озарбайжон ва Ўзбекистонда РСФСР адабиёти ва санъати кунларида иштирок қилишга муяссар бўлган эдим. Ана шу ажойиб учрашувларни ҳануз самимият билан эсга оламан. Ўзбеклар диёридаги ушбу тантаналар совет маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига аминман.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. Г. Аҳмедов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА КУТИБ ОЛИШ

3 июнь куни Тошкент аэропортини баҳорнинг заҳгори осмони-ю, ёзнинг қирмизи шафагини ўзида мужассамлаштирган гулдасталар, ранг-баранг байроқлар безаб турди, Ўзбеклар диёрининг қадимий удумига кўра байрамларда чалинадиган тилларанг карнай-сурнайларнинг садолари янграб турди. Ўзбекистонда очиладиган Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчиларини кутиб олиш учун Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари бу ерга келдилар. Махсус самолёт қардош Озарбайжон намояндаларини олиб келди. Улар Каспий нефтчиларидан, Сумгаит химикларидан, Мугон пахтакорларидан, Боку машинасозларидан, Жайрончел чорвадорларидан, Қорабоғ соҳибкорларидан, Ленкоран чойкорларидан, яқиндагина Озарбайжон ССР билан Озарбайжон Компартиясининг 60 йиллигини нишонлаган республиканинг барча меҳнатчиларидан Ўзбекистонга қуллуқ қилиб салом келтирдилар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Бағиров бошчилигидаги Озарбайжон ССР делегацияси составида Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. Г. Аҳмедов, партия ва совет ходимлари, ижодий союзларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари бор. Озарбайжоннинг таниқли маданият арбоблари республика пойтахтига меҳмон бўлиб келдилар.

Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари қатнашчиларининг келиши шарафига ўтказилган митингни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов меҳмонларни Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан табриклади.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин Озарбайжон намояндаларини самимий табриклаб, уларга эзгу тилаклар билдирди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Бағиров очиқ чеҳра билан ва иззат-икром билан кутиб олинганликлари учун миннатдорчилик изҳор этди. Ўзбекистон ССРда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларини биз катта ва шонли юбилей — Озарбайжон ССР билан Озарбайжон Коммунистик партиясининг 60 йиллигини нишонлаган йилдаги ижодий ҳисобот деб биламиз, — деди у. Бу юбилей оғамиз улуғ рус халқи бошчилигидаги Советлар мамлакати халқлари дўстлиги ва қардошлигининг ҳақиқий байрами бўлди. Юбилей тантаналари шонли революцион, меҳнат ва интернационал анъаналарга астойдил садоқатнинг, озарбайжон халқи, ССССРдаги барча халқлар Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагида маҳкам жипслашганликларининг яққол, жозибадор намойишига айланди.

Биз аминмизки, ўзбек маданиятининг Озарбайжондаги кунлари каби Озарбайжон маданиятининг Ўзбекистонда бошланадиган кунлари ҳам Ватанимиз халқлари қардошлигини, уларнинг КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун курашдаги самарали ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат буюк ишга кўмаклашади.

Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева ҳозир бўлди.

(ЎзТАГ).

Суратда: митинг пайти.

В. Молгачев фотоси.

АМАЛДАГИ ҲАМДЎСТЛИК

3 июнь куни Тошкентда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг енгил саноатга бағишланган техникавий-иқтисодий ахборот бюллетенини чиқарувчи мутахассисларнинг мажлиси бошланди. Мажлис программасига мувофиқ қардош мамлакатлар енгил саноат мутахассисларининг бюллетень навбатдаги сонида эълон қилиш учун тақдим этган мақолалари муҳокама этилади. Мақолаларда халқ истеъмол этадиган саноат моллари ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилиш, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг тўқимачилик саноатида мокисиз йигирув машиналаридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилади.

(ЎзТАГ).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 27 майдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 336 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилади. (ЎзТАГ).

Озарбайжон ҳақида ҳикоя

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ОЗАРБАЙЖОНИ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

3 июнь куни Ўзбекистон ССРда Озарбайжон ССР адабиёт ва санъати кунларига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди. Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. Г. Аҳмедов қардош республика меҳнаткашлари иқтисодиёти, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлар тўғрисида журналистларга сўзлаб берди. У айтдики, Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари — халқларимиз маданий ҳаётидаги катта байрамдир.

«Озарбайжон кенг одим ташлаб бормоқда!» — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу сўзлари республиканинг тўқкизинчи ва ўнинчи беш йилликлар мобайнида эришган катта ютуқларини ифода этади, бу сўзлар Озарбайжон совет ҳокимиятининг 60 йили мобайнида босиб ўтган шонли тарихий йўлга якун ясайди деса бўлади. Чор Россиясининг собиқ қолоқ чекка ўлкаси бўлган Озарбайжон бугунги кунда нефть ва газ, нефтни қайта ишлаш ва химия, машинасозлик ва металлургия, электр энергия ва асбобсозлик, микроэлектроника, енгил ва озиқ-овқат саноати, бошқа кўпгина замонавий истиқболли тармоқлар ўлкасидир.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Озарбайжонда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 156 баравар ўсди. Эндиликда республика саноат маҳсулотининг 350 турини 65 мамлакатга етказиб бермоқда. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ҳажми революциядан аввалги даражага нисбатан етти баравардан энёд ошди. Дон, пахта, узум, сабзавот, чой, цитрус меваларни тобора кенгроқ қўламларда етиштирмоқда. Ўтган йили «оқ олтин»дан ва узумдан рекорд ҳосил етиштирилди.

Совет ҳокимияти ғалаба қилгунга қадар аҳолисининг тўқсон проценти ўқиш ва ёзишни билмаган Озарбайжон ёппасига саводхон ўлка бўлиб қолди, бу ерда аҳолининг ярми ўқимоқда. Ҳозир республикада ўн еттита олий ва етмиш бешта ўрта махсус ўқув юртлари ишлаб турибди. Фанлар академияси Озарбайжон илмий ҳаётининг маркази бўлиб, унда ўнлаб илмий муассаса тадқиқотчилик ишларини амалга оширмоқда. Озарбайжон адабиёти ва санъати усталарининг асарлари мамлакатимизда ва чет элларда жуда машҳурдир. Озарбайжон маданиятининг кўпгина етакчи арбоблари ҳозир Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келдилар.

Озарбайжон ССР министрликлари ва идораларининг, ижодий союзларининг раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Улар шуни таъкидладиларки, икки қардош республика маданият арбобларининг Ўзбекистондаги учрашуви совет халқлари бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади. Бундай учрашувлар, деб таъкидлашди матбуот конференциясида сўзга чиққан нотиқлар, адибларнинг, санъат усталарининг совет маданиятини янада ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишларига имкон беради. Шундай учрашувлар қардош халқлар миллий маданиятларининг бир-биридан баҳраманд бўлишига ва бир-бирларини бойитишига ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қўйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

Ленин райони (район партия комитетининг секретари Х. Исманов, район ижроия комитетининг раиси З. Усмонов, район комсомол комитетининг секретари О. Абдуллаев, бош пиллахона директори У. Акбаров);

Ондарё райони (район партия комитетининг секретари У. Олимов, район ижроия комитетининг раиси Т. Эрманов, район комсомол комитетининг секретари У. Исаев, бош пиллахона директори Р. Ҳамидов);

Янгиқўрғон райони (район партия комитетининг секретари А. Каримматов, район ижроия комитетининг раиси У. Ҳайдаров, район комсомол комитетининг секретари М. Валиева, бош пиллахона директори А. Мажнунов).

Чуст райони (район партия комитетининг секретари Э. Дадабоев, район ижроия комитетининг раиси Э. Пошшахўжаев, район комсомол комитетининг секретари М. Жалолова, бош пиллахона директори С. Ашуров).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика ички ишлар органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун халқ депутатлари Шаҳрисабз район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлимининг бошлиғи ўртоқ Абдурашид Дўстовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика суд органларида самарали ишлаганлиги ҳамда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Сирдарё область Боёвут район халқ судининг раиси ўртоқ Маниит Жабборовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ УЛКАН ТАНТАНАСИ

ОЗАРБАЙЖОНИМ МЕНИНГ

Мен бугунги кунимиз ҳақида, Совет Озарбайжони ҳақида гапирмоқчиман... Кўз ўнгимда хилма-хил учрашувлар, одамлар, воқеалар гавдаланяпти ва мен сўзим бугунги Озарбайжон ғалабалар республикаси — меҳнат ғалабалари, маънавий поклик йўлидаги ғалабалар, маданий тараққиёт ғалабалари республикасидир! — дейишдан бошламоқчиман. Бизнинг бу тарихий ғалабаларимиз коммунист ишчанлиги ва ғамхўрлиги, коммунист принципиаллиги ва қатъияти ғалабасидир.

Бугунги Озарбайжон 8 йил кетма-кет қўлга киритилган Қизил байроқли республикадир. Бу байроқлар фақат давлат планлари ва топшириқларини бажаргайлигимизданги эмас, умумий маданий тараққиётимиздан, бу тараққиётнинг кенг ва порлоқ истиқболидан далолатдир.

Бугунги Озарбайжон ўнинчи беш йилликда учинчи марта Ленин ордени олган республикадир.

Бугун халқимиз шундай фахр туйғуси билан тўлибтошганки, бу фахр туйғуси ҳеч қачон республикамизда бугунгичалик олий ва муқаддас бўлмаган, бугунгичалик юксак ва салобатли бўлмаган. Ҳар бир озарбайжонликнинг қалбидаги бу фахр туйғусини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев тўрт сўздан иборат бир жумлада жуда яхши ифодалаган: «Озарбайжон шаҳдам одимлар ташламоқда!». Бу тўрт сўз бугун ҳар биримизнинг маънавий қиёфамизни ифодалайди.

Дарҳақиқат, биз бу одимларнинг қанчалик шаҳдам ташланганини яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз. Бу қадамлар фидокорона меҳнат, дадиллик ва матонат туфайли ташланганини ҳам яхши биламиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев 1978 йилнинг сентябрида Бокуда сўзлаган нутқида ҳам мамлакатимиз раҳбари, ҳам коммунист сифатида республикамизнинг мислсиз ютуқларини таъкидлаб ўтган эди: «Ишларнинг аҳволи яхшиланганлиги яққол кўриниб турибди. Бу эса Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, республика партия ташкилотлари собитқадамлик билан олиб борган ташкилотчилик, сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишнинг натижасидир, бутун Озарбайжон халқининг меҳнатдаги жонбозлиги якунидир. Бу вазият соғломлаштирилганининг, маънавий-руҳий иқлим яхшиланганининг натижасидир, бу эса хўжалик фаолияти якунларига ҳам дарҳол таъсир ўтказди».

Мен бу сўзларни тўё яқинидан эшитаётгандай бўляпман, ҳаёлан ўша сентябрь кунларига қайтаман ва беихтиёр ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тиклаиш», «Қўриқ» асарларини эслайман. Чунки бу асарларда тасвирланган партиявий раҳбарлик, коммунист иродаси ва ишбилармонлиги бугун бизнинг республикамизда, шундоққина кўз ўнгимизда рўй бермоқда.

ПУБЛИЦИСТИКА

Бугунги кунимиз ҳақидаги ўйлар менинг юрагимга ғурур бағишлайди. Мен унутилмас санъаткоримиз, дўстимиз Али Каримнинг қуйидаги мисраларини фикран такрорлайман:

Озарбайжон —
Тарихлар шоҳиди,
Низомийси кенг
тафаккурли,
Насимийси ҳақиқат
шоҳиди,
Фузулийси — кўнгилнинг
Сир-у асроридан
Хабар берувчи,
Муҳаббатни теран
кўрувчи
Дунё юракли бир
санъаткор.

Азиз газетхон, мен сўнгги уч йилда иштирок этган сафарларим ҳақида гапирмоқчиман. Чунки бу сафарлар менинг ҳаётимда чуқур из қолдирди.

Мен Барда ва Собирободда пахта далаларини, Товуз ва Жалилободда узумзорларни айланарканман, фидойи меҳнат аҳли ҳақидаги Жаъфар Жабборлининг машҳур сўзлари қайта-қайта эсимга тушади: «Иқтисодда инқилоб, ҳаётда инқилоб, турмушда инқилоб, инсон шуурида инқилоб!»

Бу сафарлар чуқур маъноли, чуқур мазмунли сиёсий-ижтимоий, таъбир жоиз бўлса, маънавий-ахлоқий ҳодисалардир. Энг қувончлиси шундаки, мана шу чуқур сиёсий-ижтимоий, маънавий-ахлоқий мазмунни ташкил этувчи сифатлар аслида айрим қишлоқ, район ёки шаҳаргагина эмас, балки бутун республикамиз учун хосдир.

Ҳурматли газетхон, азиз дўстим, бугун бизнинг барчамиз, Барда пахтакорию Боку нефтчиси, Ленкоран миришкорию Шамха боғбони, рўзғор кондиционери таёрлаётган ишчию республикамизнинг бугунги кунидан илҳом олаётган ёзувчи, лабораторияда ишлаётган олиму болаларимизга дарс бераётган ўқитувчи, такрор айтаман, азиз дўстим, барчамиз ленинча раҳбарлик учун фахр билан келгусида янгидан янги муваффақиятлар қозониш учун ўзимизни сафарбар этамиз.

Бугунги кунда биз эришган муваффақиятларга фақат қардош республикаларнинг меҳнаткашлари, фан, маданият ва маориф ходимларигина эмас, балки чет мамлакатлардаги дўстларимиз ҳам чин юракдан қувонмоқдалар.

...Ўтган йил кузда Низомий шеърияти кунларида иштирок этиш учун Боку га келган Чехословакия ёзувчиси Владимир Михна республикамизда ҳукм сураётган руҳий кўтаринкиликни, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети саноат ва қишлоқ хўжалиги проблемалари билан бир қаторда адабиёт ва санъат масалаларига ҳам катта эътибор бераётганини кўриб менга шундай деди:

— Қандай бахтлисизки, Озарбайжонда яшаяпсиз!

Аблатта, азиз дўстим, бу сўзларга бир меҳмон таърифи деб қараш нотўғри, чунки бу ҳақиқатдир, кейинги йилларда республикамизда карор топган ҳамиша умумни кўриш, ҳамиша умумни ўйлаш, ҳамиша умум манфаати йўлида хизмат қилиш анъанасидан бунёд бўлган ҳақиқатдир.

Ҳа, биз бахтлимизки, серҳосил, серунум ернинг, қадим диёрнинг фарзандларимиз, қўшни республикаларнинг гражданимиз ва бутун мамлакатимиз, республикамизнинг гуллаб-яшнаши учун дадил коммунист одимлари билан, партиямиз билан қадам ташлаяпмиз.

Биз бугунги порлоқ кунда яшаяпмиз. Лекин бугунимиздан «эртаси янада порлоқ» куннинг тонгини ҳис қиляпмиз. Биз кеча бугунги кунимизни кўрганимиздай, бугун ҳам эртанги кунни кўряпмиз.

Севимли чоғларимдир,
Баҳорингдир баҳоримдир,
Тоғларинг виқоримдир,
Озарбайжоним менинг!

ЭЛЧИН,
Озарбайжон ССР Ёзувчилар союзининг секретари.

Республикамизда чоп этилган Озарбайжон адиблари ва шоирларининг китобларидан намуналар.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Озарбайжон адабиёти ва санъати кунларига табиийки, нашриёт ҳам муносиб армуғонлар ҳозирлашди.

— Халқларимиз маданиятлари байрамига қандай туҳфа ҳозирладингизлар? — «Совет Ўзбекистони» мухбири ана шу савол билан Озарбайжон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси Марат Алахбердиевга ва Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори Ҳамид Ғуломга мурожаат қилди.

ТОРТИҚ

Марат АЛАХБЕРДИЕВ,
Озарбайжон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси

Бултур баҳор кунларида диёримизда Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари ўтган эди. Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари маданиятимиз тарихида, адабиётни жон-дилдан севгувчи халқларимиз қалбида ўчмас из қолдирди. Мана энди Озарбайжон адабиёти ва санъати вакиллари ўзбек диёрига қадам босишди. Мушоиралар, санъат байрами ўзбек тупроғида яна давом этади. Озарбайжон ноширлари бу байрамга ўзларининг муносиб тўёналарини ҳозирлашди. 40 га яқин ўзбек адиби ва шоирининг китоби озарбайжон тилида чоп этилди...

Бугунги кунда халқимиз севиб ўқиётган китоблар орасида, айниқса бир китоб алоҳида ажралиб туради. Бу — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Совет Ўзбекистони» китобидир. Китоб буюк қардошлик оиласида гуллаб-яшнаётган Совет Ўзбекистонининг кечаги, бугунги ва эртанги ҳаёти ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Классик шеъриятга меҳр қўйган ғазалхонларимиз буюк Алишер Навоийнинг икки китоби: «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Едди сайёра» («Саббаи сайёра») достонларидан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, «Ўзбек адабиёти антологиясия»нинг чоп этилиши ҳам маданий ҳаётимизда қувончли воқеа бўлди.

Кўп сонли китобхонларимизнинг талаб ва илтимосларига мувофиқ Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари», Шароф Рашидовнинг «Голиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романлари қайтадан нашр этилди. Таниқли совет драматурги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшиннинг машҳур драмалари жамланган тўпламми, Мақсуд Шайхзоданинг «Танланган асарлари» (иккки том) китобхонларимиз қўлига тегди.

Куни кеча мен бир хўжаликда бўлдим. Борсам колхозчилар салқинда тушлик қилиб ўтирган эди. Бир қиз жаранглаган овозда шеър ўқимоқда эди. Мен унинг қўлида яқиндагина «Ўзбек адабиёти» сериясида чоп этилган Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг «Улфат» мажмуасини кўрдим.

Ҳа, чиндан ҳам шеърхонларимиз учун бу йил байрам бўлди. Улар Ленин мукофоти лауреати, таниқли совет шоири Ғафур Ғуломнинг «Умрим баҳорида», СССР Давлат мукофоти лауреати севимли шоирамиз Зулфиянинг иккита шеърий мажмуасини; Мақсуд Шайхзоданинг «Акс-садо», Уйғунниинг «Олтин ер», Рамз Бобожоннинг «Чироқлар», Мирмуҳсиннинг «Оқ мармар», Нормурод Нарзуллаевнинг «Муҳаббатдан туғилганман» каби шеърий тўпламларини ўқийдилар.

Халқимизда бир удум бор. Модомики, сен дўстингни қутламоқчи экансан, унга аввало гулдаста ҳадя этасан. Озарбайжон ноширлари ҳозирлаган гулдастада яна иккита анвойи гул бор: «Ўзбекистон куйлари» (шеърлар), «Нурли диёр» (ҳикоялар) тўпламларидир. Китобхонларимиз бу тўпламларни қўлдан қўймай ўқиётир. Ўзбекистон шоирларининг шеърлари, ёзувчиларининг насрлари китобхон халқимизнинг севимли асарларига айланди.

ЁРҚИН САҲИФА

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори

Бадиий таржима адабиётларни бир-бирига боғлаб турувчи олтин кўприк, ижодий алоқаларнинг энг таъсирчан воситасидир. Шунинг учун ҳам у халқларни бир-бирларининг маънавий бойликлари билан яқиндан таништиришда муҳим ва самарали роль ўйнайди. Унинг тарихи ҳам бадиий адабиёт тарихи сингари қадимий ва азалийдир.

Ўзбек ва озарбайжон адабиётлари ўртасидаги ижодий алоқаларнинг кучайиши ва мустаҳкамланишида таржимонларимизнинг хизматлари каттадир. Низомий Ганжавий, Фузулий, Собир Тоҳирзода сингари классик шоирларнинг бир-биридан ажойиб достонлари, ғазаллари ва ҳажвиялари адабиёт ихлосмандларимизга яхши таниш-дир. Озарбайжон адабиётининг етук намояндаларидан А. Ўрдубодий, Мирзо Иброҳимов, Мехти Ҳусайн, Самад Вурғун, Имрон Қосумов, Марварид Дилбози, Сулаймон Рустам, Наби Ҳазрий ва бошқаларнинг турли жанрларга мансуб асарлари борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Ўзбек саҳнасини безаган асарлар орасида озарбайжонлик қаламкашларнинг ҳам асарлари мавжудлиги қувончимизга қувонч қўшади. Ўзайр Ҳожибековнинг «Аршин мол олон», «Кўр ўғли», Мехти Ҳусайннинг «Олов», Тахмасибнинг «Қайнона», Имрон Қосумовнинг «Инсон меҳри», Наби Ҳазрийнинг «Севсанг, севгилим» асарлари театрларимиз репертуаридан мустаҳкам ўрин олиб, томошабинлар эътиборини қозониб келаётган асарлар жумласидандир.

Республикамизда бўладиган Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари муносабати билан ёзувчи ва таржимонларимиз турли жанрларда яратилган талай бадиий баркамол асарларни китобхонларимизга етказиш устида самарали меҳнат қилдилар.

Атоқли озарбайжон адиби Мирза Иброҳимов «Шундай кун келади», «Буюк таянч» романлари, «Қишлоқ қизи» драмаси ва қатор ҳикоялари билан, китобхонларимизнинг меҳрини қозонган эди. Яқинда унинг кенг кўламли йирик «Парвона» романи нашрдан чиқди ва китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинди. Шунингдек, бугунги кунда китобхонларимизнинг севимли асарларига айланган таниқли адиблар Имрон Қосумовнинг «Инсон меҳри», Акром Айлисли-нинг «Мадина холанинг эртаклари» дўстлик туйғулари ҳақида ҳикоя қилинади.

Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларига ҳозирланган армуғонлар орасида озарбайжон прозаикларининг ҳикоя ва очеркларидан ташкил топган китоблар ҳам бор. «Дурдона» тўпламига жамланган ҳикояларда бунёдкор озарбайжон халқининг урф-одатлари, орзу-ўйлари, интилишлари тараннум этилган.

Китобхонларимизга тортиқ этилган озарбайжон адабиёти намуналари орасида, айниқса, шеърий асарлар салмоқли ўрин тутади. Машҳур шоирлардан Самад Вурғун, Сулаймон Рустамнинг лирик шеърларидан иборат тўпламлар, Расул Ризонинг «Ленин» поэмаси, Наби Ҳазрийнинг «Парвоз» тўплами ва Жобир Наврўзнинг лирик шеърлари мажмуаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бу китоблар «Ўзбек адабиёти» сериясида қардош Озарбайжон нашриётларида босилган.



Озарбайжонда нефть ва газ қазиб олиш Каспий денгизининг энг чуқур мураккаб жойларини забт этиш туфайли тағин ҳам кўпайтирилмоқда. Бу ерда кейинги йилларда кучли сузувчи бурғилаш флотилиялари вужудга келтирилган. Натижада ҳозир республикада қазиб олинаётган ёнилғининг асосий қисми Каспий сувидан олинмоқда. Суратда: «Каспморнефть»нинг сузувчи бурғилаш установкаларининг кўриниши.

В. Пашченко фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҲАММАМИЗНИНГ ТАНТАНАМИЗ

Самад Вурғун билан Емилиан Буков узоқ йиллар қалин дўст бўлишган. Атоқли Озарбайжон шоири хотирасини эзъозлаш нияти билан молдаванлик бу қаламкаш «Самад» достонини ёзди. Жобир Наврўзов уни ўз республикаси шеър муҳлисларига туҳфа этди.

Бундай мисоллар кўп.

Мен ўзимнинг ижодий йилларим давомида ўнлаб китоблар ёздим, улар мамлакатнинг кўпгина халқлари тилларида нашр этилди. Ўз ижоди билан республикамиз ташқарисида ном чиқарган Озарбайжоннинг бошқа шоир ва ёзувчилари каби мен ҳам Совет Иттифоқининг турли жойларида яшаб, меҳнат қилаётган рус дўстларимиздан, шеърият бобидаги биродарларимиздан астойдил миннатдорман, ўз навбатимда мен ҳам украин Тарас Шевченко билан Павло Тичина, грузин Георгий Леонидзе, армани Аветик Исаакян, ўзбек Ғафур Ғулом, қозоқ Жамбул Жабаев, доғистонлик Сулаймон Стальский менинг ёрдамимда озарбайжонча «гапира бошлаганлиги» билан фахрланаман. Уларнинг ҳар бири ўзининг ёрқин, беназир ижоди билангина эмас, менинг ҳаётимга файз ва кўрк бағишлаган саховатли дўстлиги билан ҳам менга азиздир. Мана шуларни ўйлаб илҳомим қайнаб, қўлимга қалам оламан:

Уйимиз бир,
Меҳнатимиз бир,
Тантанамиз ҳам бир!

Сулаймон РУСТАМ,
Озарбайжон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЮЗМА-ЮЗ

Жобир НАВРЎЗ,
Озарбайжон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Сўзлашар юзма-юз ойлар, фасллар,
Юз қиш келиб, юз баҳор учун.
Келар бу дунёга янги гўзаллар,
Келишар дунёга ўғиллар учун.

Ҳар уйда оташли нигоҳлар ёнар,
Боқишлар кўрмаган, қўллардан йироқ.
Тилларанг сочлар-у зулфлар таранар,
Нафаслар тегмаган, оллардан йироқ.

Кулгу бўлиб яшнар соҳибжамоллар,
Яна ҳаяжонлар кезар оламни.
Янги учрашувлар, янги висоллар,
Яп-янги ҳижронлар кезар оламни.

Энг янги гумонлар ошиб тошгуси,
Тўнар кўзлар тоза, о, ёшларни.
Бир кунда юз бора кўришар улар,
Ишқига бағишлаб боқишларини.

Янги ёноқларнинг, янги кўзларнинг
Суҳбати тилларгa тилларга кўчар,
Муддао йўлида толесизлар бор —
Уларнинг достони дилларга кўчар.

Илк янги мактублар адресин излар,
Гоҳо илк ҳасратлар кўрсатар кучин.
Келар бу дунёга янги санамлар —
Туғилар қора кўз авлодларим-чун!

Янги Лайлиларнинг, Жульетталарнинг,
Янги Мажнунларнинг меҳри бошланар.
Янги муҳаббатлар туғилган каби,
Янги шоирларнинг шеъри бошланар.

Озарбайжончадан
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ таржимаси.

ҚАРДОШЛИК ҚЎШИҒИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг машҳур «Қўриқ» асарида бундай деб ёзган эди: «Ҳар қандай миллий маданият ўзига бўқиниб олса, муқаррар равишда ютқазади, бундай маданият умуминсоний фазилатлардан маҳрум бўлади».

Бирор адабиёт ва санъат йўқки, у ўз қобиғида бошқа қардош маданиятларнинг таъсирисиз ривож топган бўлсин. Ёки бирор адиб йўқки, у бошқа ёзувчилардан, турли халқлар адабиёти намояндаларидан ўрганмаган, таъсирланмаган бўлсин. Мамлакатимизнинг қайси бир адабиётини олмайлик, унинг вакиллари биринчи навбатда улуғ рус халқи санъатидан сабоқ олганлигини яққол кўрамиз. Бундан ташқари бир адабиёт иккинчи адабиётга самарали таъсир ўтказганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек адабиёти тарихига назар ташласак, унинг тараққиётида қардош озарбайжон адабиётининг ҳам роли катта эканлигини кўрамиз.

Ўзбек — озарбайжон маданий алоқалари жуда эрта бошланган. Бунга сабаб нима? Аввало шуни айтиш керакки, икки халқ маданияти ва урф-одатларининг бир-бирига жуда яқинлигидир. Иккинчидан эса улар бир-бирини таржимонсиз тушунганлар, оригиналдаги асарларни лугатсиз ҳам ўқиганлар. Бу ҳол бир халқнинг иккинчи халқ маданиятидан ибрат олиши, унга эргашишига кенг йўл очди.

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ўз давридаёқ буюк озарбайжон шоири Низомий ижодига мурожаат қилиб:

«Эмас осон бу майдон
ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ...» деб уни улуғлайди, унинг биринчи бўлиб кашф этган «Хамса»сига жуда юксак баҳо беради. Табиийки, хамсачиликни Низомий бошлаб бермаганда, уни Деҳлавий ҳамда Жомий давом эттирмаганда, балки, Навоий хамсачиликда, умуман, ижодда буячалиқ улкан бадиий чўққиларга кўтарила олмаган бўларди.

Навоийдан олдин ўтган ёки ундан кейинги ўзбек шоирлари ва адибларининг биронта машҳури йўқки, у қардошлик халқининг маданий меросидан маҳрум бўлиб қолган бўлса ёки ундан ўрнак олмаган бўлса.

Ўзбек халқи орасида айниқса М. Фузулий, М. Ф. Охундов, Ж. Мамадқулизода, А. Собир, С. Вурғунлар машҳур. Улар яратган бадиият намуналари аллақачон халқимиз ўртасида кенг тарқалиб, энг севимли асарларга айланган. Асримиз бошидаёқ чоп этилган «Девон» (1907) «Баёз», «Гулшани ашъор» (1908) тўпламларида ўзбек шоирлари билан бирга Низомий, Собир Тоҳирзода ва бошқа озарбайжон шоирлари асарларининг берилиши тасодифий эмасди. Мен илгаригилари, аниқроғи ёшлигимда, Фузулийни ғўё ўзбек шоирлари қаторига қўшиб юрардим. Чунки, Фузулий асарлари ўзбек халқи ўртасида Навоий, Машраб, Фурқат, Мукимийлар ижоди каби кенг томир ёзган, кўп ўқиладиган, аксарият шеърлари ёд бўлиб кетган эди. Эски мактабларда унинг баъзи асарлари ўқув қўлланмаси сифатида ўқиларди, мадрасаларда ўқирарди, кўп хонадонларнинг китоб токчаларидан фахрли жой олган эди. Шу сабабдан ҳам ўзбекларнинг қатор адиблари ижодида Фузулий таъсири кучли сезиларди.

XX аср тонгида адабиёт билан бирга озарбайжон санъати ҳам Ўрта Осиёга тарқала бошлайди. Буида, айниқса, XIX асрдаёқ ташкил топган озарбайжон демократик театрининг Туркистонда тез-тез ўтказиб турган гастроллари аҳамияти катта бўлди. 1911 йилдан бошлаб қардош халқ театри М. Ф. Охундовнинг «Ҳожи Қора», Н. Везировнинг «Емгирдан қочиб селга» ва «Мусибати Фахриддин» ҳамда Ҳақбердиевнинг «Ога Муҳаммад шоҳ Кажар» каби қатор пьесаларини намойиш қила бошлади. Санъатнинг ажойиб намояндалари — Сидқи Руҳулло, Юнус Наримонов, Аҳмадбек Камарлинскийларнинг ижроси ва раҳбарлигида ўтган спектакллар ўзбек томошабинларининг театр санъатига бўлган муҳаббатларини оширди. Шу сабаб бўлса керак, 1916 йилга келиб ўзбек драмтруппалари «Ҳожи Қора», «Лайли ва Мажнун», «Аршин мололон» каби драмаларни ўз тилларида кўрсата бошладилар. Характерлиси яна шундаки, Туркистонда Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесасини саҳналаштирган режиссёр озарбайжонлик А. Аскаров бўлган.

Озарбайжон драматургияси ва театр санъатининг аҳамияти булар билан чекланмайди, албатта. Бу маданиятнинг Туркистонда профессионал театр санъати ва драматургия барпо бўлишида муҳим роль ўйнагани ҳам диққатга сазовор. Ҳамза, Беҳбудий, Авлоний, Уйғурларнинг драматург бўлиб етишишларида озарбайжон маданияти четда қолмаганлиги шубҳасиздир. Ҳамза ўзининг драмтруппаларини тузишда ва такомиллаштиришда андозани рус, озарбайжон, татар театр санъатларидан олди.

Ҳамза озарбайжон санъати ва адабиёти билан ёшлигиданоқ қизиқа бошлади. Қардошлар бадиий маданиятининг демократик руҳи, янги замон талабларига ҳозиржавоблиги, бой ғоявий мазмуни, бадиий маҳорати улуғ арбобни ўзига мафтун қилди. Ў, айниқса, Озарбайжонда бўлган вақтларида (1914 йил) ҳамда Сидқи Руҳулло билан учрашган кезларида қардош халқ маданиятининг барча соҳаларини мутолаа қилди. Айниқса, унинг поэзияси, драматургияси, музикасидан катта сабоқ олди. Бунга кўпинча М. А. Собир ижоди ҳамда халқимиз ўртасида кенг тарқалган «Мулло Насриддин» ҳажвий журналида босилган материалларни канда қилмасдан ўқиш туфайли эришди. Ҳамза ва Собир ижодидаги сатирик асарлар, маърифатпарварлиқка чорловчи шеърлар, фан, билим, илғор идеалларни тарғиб қилишга даъватномалар, асарлар тилининг жозибалилиги, аниқлиги, ширалиги уларни бир-бирига яқинлаштирган адабий омиллардир.

«Мулло Насриддин»нинг Ўзбекистонда «Муштум» сатирик журнали туғилиши, унинг ғоявий ва бадиий томондан мустаҳкамланишидаги роли катта бўлган. «Муштум»чилар ҳажвий журнал қандай бўлиши, қандай характердаги материалларни бериш, унинг мазмуни ва моҳияти нимага қаратилиши керак, деган масалаларда «Мулло Насриддин» журналидан кўп нарса ўргандилар.

Барча имкониятларни туғдириб берган совет ҳокимияти даврида икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар янада барқ уриб ўсди, камолот босқичига чиқиб олди. Бу даврда ўттиздан ошиқ озарбайжон муаллифининг пьесалари ўзбек саҳналарида қўйилди. Улар театрларимиз репертуарини безади ва бойитди. Фузулий, М. Ф. Охундов, Ж. Жабборли, Н.

ОРОЛБЎЙИ ЭКИНЗОРЛАРИ

Е Р. М Е Ҳ Н А Т. Ҳ О С И Л

Агар Ватанимиз харитасига назар ташлайдиган бўлсак, Ўрта Осиёнинг обод районларидан шимолроқда жуда катта саҳро кенгликлари ястаниб ётгани диққатимизни ўзига тортади. Қорақум, Қизилқум, Устюрт саҳроси... Бу номлар киши тасаввурида сукут сақлаган қум барханлари ва қуёшда қовжираган чўллар манзарасини жонлантиради. Фақат Орол бўйида, Амударё дельтасидагина саҳроларнинг зафарон ранги ўз ўрнини яшил воҳага бўшатиб беради. У шундай ўлкаки, унинг ерларида пахта ва шоли, полиз ва боғдорчилик-узумчилик маҳсулотлари етиштириш мумкин. Воҳа ерлари сахий, унумдор, муттасил юксак ҳосил беришга қодир. Бирок ўзлаштирилган ерлар ҳозирча жуда унча кўп эмас. Республикада икки миллион гектарга яқин ҳайдашга яроқли ерлар бор, аммо хўжалик оборотида фақат 320 минг гектар, яъни 16 процентгина ер мавжуд, холос.

Бу ҳол галлакор деҳқонларни ерга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишга, самарали ишлашга мажбур этмоқда. Республика партия ташкилоти хўжалик юритишнинг интенсив методларини кенг қўлланиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни чуқурлаштириш йўлини тутмоқда. Танлаган йўлимиз тўғрилигини эришган натижаларимиз исботлаб турибди. Лоақал пахтачиликни олиб кўрайлик. Эндиликда Орол бўйи ҳар йили 1,3 миллион тоннадан ортиқроқ пахта бермоқда. Шундан учдан бир қисми Қорақалпоғистон ҳиссасига тўғри келади. Ваҳолонки, республика жаҳон пахтачилигининг энг шимолий зонаси ҳисобланади. Бунинг устига, ерларимизнинг каттагина қисми шўрҳок бўлиб, деҳқончиликнинг алоҳида юксак маданиятини, агротехниканинг «аниқлиги»ни талаб этади. Шунга қарамай, ҳар гектар ер 34,5 центнердан «оқ олтин» бермоқда. Таъкидлаб ўтайик, КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан аввалги ўн йилликда ҳосилдорлик 16,1 центнердан, шимолий районларда эса ундан ҳам кам бўлган эди.

Гектарлар кучини икки баравар оширишга нима ёрдам берди? Энг аввало ерларни мелиорациялаш. Кейинги йилларда Амударё этакларида қудратли Тахиатош гидроузели қурилди. У ирригация шохобчаларига сув беришни тартибга солиб, республиканинг чал ва ўнг соҳиллари ўртасидаги ишончли транспорт алоқасини таъминлаб турибди. Йирик насос станциялари қурилди, эскилари реконструкция қилинди ҳамда янги каналлар ва коллекторлар қазилди. Ҳайдаладиган ерлар карталари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Айни пайтда Автоном республикада далалар самарадорлигини оширишнинг бошқа муҳим манбаларидан ҳам эсдан чиқарилаётгани йўқ. Бундай манбалардан бири энг аввало деҳқончилик тармоғи илмий асосда, агротехника қонунларига қатъий риоя қилинган ҳолда олиб борилаётган илғор коллективлар тажрибасини қўллашдир. Шунингдек, маҳаллий ўтитлар тайёрлаб, улардан фойдаланишни яхшилашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ерлар самарасини кўпайтириш ҳақидаги масала Ўзбекистон КП область комитети, совет ва хўжалик органлари ишида кун тартибидан тушмади. Кейинги пайтда хўжалик юритишнинг бутун системасини тубдан қайта қурмоқдамиз. Бу нима дегани? Биринчидан, пахтачилик республиканинг жанубига, тупроғи ва иқлими яхши ҳосил олиш учун қулай бўлган районларга аста-секин «кўчирилмоқда». Қадимдан суғориб келинган, асрлар мобайнида қум барханлари остида кўмилиб мудраб ётган ерларни очмоқдамиз. Бу ерлар изини қўлга олиш осон эмас, албатта, аммо механизаторлар қўлида кучли техника бўлган ҳозирги пайтда унинг иложи бор. Саҳро қўйнидан юлиб олинган ерларда Эллиққалъа райони ташкил топди. Пахта етиштиришга ихтисослашадиган яна иккита қўриқ районни ташкил этиш учун база вужудга келтирилмоқда. Таъкидлаб ўтмоқчиманки, янги ерларда мана учинчи йилдирки, пахтадан яхшигина хирмон кўтарилмоқда. Ишлаб чиқариш маданияти юқори бўлган бригадаларда ҳар гектардан олтмиш центнердан ҳосил йиғиштириб олинаётгани ҳеч кимни таажжубга солмайди. Номқ тилга олиб ўтилган райси ҳосилдорликда илғорларга тенглашиб олди, ўтган йили ҳар гектардан 40 центнердан юқори сифатли пахта хирмони кўтарилди.

Жанубда пахта майдонларининг кенгайиши ўн биринчи беш йилликда ана шу қимматбаҳо маҳсулот етиштиришни 500—600 минг тоннага етказишга имкон беради. Ўйлайманки, бу —эришса бўладиган чўққи. Ахир кўпгина илғор хўжаликлар, масалан, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз, Эллиққалъа районидаги Охунбобоев номли колхоз гектаридан 50 — 60 центнердан пахта олишяпти-да. Пешқадам бригадаларда эса бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиляптики, бу пахтачиликда катта резервлар борлигидан далолат беради.

Пахта — биз жанубий ерларимизни ажратиб бераётган яккаю-ягона экин эмас. КПСС Марказий Комитетининг май (1966 йил) Пленумида Қорақалпоғистон мамлакатнинг шоли етиштиришнинг йирик базаларидан бўлиб қоладиган районлари қаторида тилга олинган эди. Пленумдан кейин кўп ўтмасданоқ ирригация ва қурилиш бўйича территориал бошқарма — «Қарақалпақирсовхозстрой» тузилди. Эндиликда унинг ихтиёрида йигирма бешта қурилиш-монтаж ташкилоти, еттита автобаза, бошқа бўлинмалар, шунингдек, ўн еттита ихтисослашган совхозлар бор.

Механизаторлар ярим миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағни ўзлаштирдилар. Бу маблағлар янги ерларни комплекс ўзлаштириш ва эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларни реконструкция қилишга, шаҳар типидаги посёлкалар қуришга сарфланди. Хўжаликларга 80 минг гектардан ортиқ инженерлик системалари ўтказилди, шундан 55 минг гектарига шоли экилмоқда. Бир гектар ер биринчи йили 40 центнергача, учинчи йили эса 60 центнергача шоли бермоқда. Яқин келажакда тўрт район шоли етиштиришга ихтисослашади, янгидан яна бир районни ташкил этиш мўлжалланган.

Шоличилик — биз учун янги тармоқ, бироқ у тез ривожланмоқда. Кейинги ўн беш йил мобайнида Қорақалпоғистонда шолизорлардан олинган ҳосил 9 баравар ўсди. Эндиликда республика мамлакатимизда етиштирилаётган жами шолининг 13 процентини бермоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳали чегара эмас. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари дон етиштиришни кўпайтиришни муҳим вазифа қилиб қўйган КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Мақсад — республикада дон етиштиришни ўрта ҳисобда киши бошига бир тоннаданга етказишдан иборат. Яқин йиллар ичида шоли етиштириш 1 миллион тоннага етказилади. Бундай маррага эришмоқ учун экин майдонларини 280 минг гектарга кенгайтириш зарур бўлади. 40 та ихтисослашган совхоз шоли етиштириш билан шуғулланади.

Партия ташкилоти қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларини ривожлантира бориш билан бирга боғдорчилик, сабзавот-полиз, асаларичилик, пиллачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлини тутмоқда. Қўйчилик хўжаликлар истиқболни кўзлаб иш олиб бормоқдалар.

Бироқ айтиш керакки, ҳамма жойда ҳам ерга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиб, хўжаликни моҳирона, фан билан ҳамнафас юритилаётир, деб бўлмайди. Қолоқ колхоз ва совхозлар, ўртача хўжаликлар бор. Уларни илғорлар даражасига қандай қилиб чиқариб олиш мумкин? Бу масала область партия комитетини ташвишга солмоқда. Кейинги йилларда партия комитетлари фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш, деҳқончилик маданиятини ошириш устида ўйлаб иш олиб борадиган бўлиб қолдилар.

Социалистик мусобақа шартлари ҳам барча янгиликларни, илғор тажрибани эгаллашга, далаларда активроқ жорий этишга даъват қилади. Социалистик мусобақа шартлари шундай ишлаб чиқилганки, эндиликда эскича ишлаб келаётган коллектив қолиб чиқиши мумкин эмас. Мажбуриятларни ҳимоя қилиб, уларнинг бажарилиши қуи сайин текшириб борамиз.

Буларнинг барчаси пировард натижада деҳқончиликни ривожлантиришда ижобий самаралар келтирмоқда. Айниқса, ўтган йил бизни қувонтирди. Масалан, пахта ҳосилдорлиги беш йилликнинг тўрт йилидаги ўртача кўрсаткичга нисбатан олти центнерга ўсди, ялпи ҳосил плани эса 21,1 процент ортиғи билан бажарилди. Давлатга топшириққа қўшимча 79 минг тонна пахта сотилди, шоли етиштириш бўйича эса мўлжалдан қариб 15 процент ўзиб кетилди. Биз бошқа хил маҳсулотларни реализация қилиш бўйича ҳам қарз бўлиб қолмадик.

Гектарлар самарадорлигининг ошиши албатта, чорвачиликка ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Чорвачиликни интенсив ривожлантириш негизига ўтказа бориб ем-ем базасини мустаҳкамлаб, биз маҳсулот етиштиришни анчагина кўпайтирдик. Учинчи беш йилликда гўшт етиштиришнинг ўртача йиллик даражаси аввалги беш йилликдагига нисбатан 48 процент, сут — 36, тухум — 30, жун — 18, қорақўл тери — 73 процент ўсди. Молларнинг барча тури бўйича маҳсулдорлиги ортди. Бундай натижалар ўз-ўзидан қўлга киритилиб қолмади, албатта. Шунинг учун ҳам 1979 йил якунлари бўйича республикамиз ўнинчи беш йилликда учинчи маротаба КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланганлиги айниқса, қувончлидир. Бу йил гўшт етиштиришни 20 процент, сут етиштиришни 16, тухум етиштиришни 40 процент кўпайтиришга қарор қилганмиз.

Бироқ амалга оширилган ишларга партиявий кўз билан танқидий баҳо бераётганимиз, биз ўз ишимизда жиддий нуқсонлар ҳам борлигини кўрамиз. Гап аввало бир қатор районлар ва хўжаликларда дала ва ферма лар маҳсулдорлиги камлиги ҳақида бораяпти. Ҳамма вақт ҳам суғориладиган массивлардан самарали фойдаланилаётир деб бўлмайди, капитал маблағлар самарадорлиги секин ўсмоқда, маҳсулотнинг исроф бўлишига, маблағларнинг эҳтиётсизлик билан сарфланишига йўл қўйилмоқда. Республика партия ташкилоти ҳозирги вақтда ана шу соҳадаги ишларни яхшилаш устида бош қотирмоқда.

Бироқ афсуски, биз ўз кучимиз билан ҳал қила олмайдиган масалалар ҳам бор. Кейинги йилларда сув танқислиги деҳқонларимизга қаттиқ панд бермоқда. Март-апрель ойларида, яъни узоқ музлашлардан сўнг ниҳолят ер юмшаб, шўр ювишга киришиладиган бир пайтда Амударёда сув оқими тўхтайди. Уни дарёнинг юқори қисмида жойлашган районлар «олиб қўйишади». Ўша районларда ерлар қишда мутлақо музламайди ёки қисман музлайди. Шундай экан, ер шўрини январь—февраль ойларида ҳам ювса бўладику. Агар шундай қилинганида эди, дарё этагида жойлашган бизларга ҳам сув етган бўларди. Ҳозир эса деҳқонларимизга пахта ва шоли экиш муддатларини кечиктиришга тўғри келмоқдаки, бу ҳол ҳосилдорликка таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. Бундан ташқари, экинларнинг бир қисми пишмай қолади. Хоразм ва Тошкент областлари деҳқонлари ҳам ана шундай қийинчиликларни бошдан кечирмоқдалар.

Сувнинг режасиз сарфланиши воҳамиз хўжалигига зарар келтирмоқда. Шунинг учун ҳам назаримда, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги сув ресурсларини оқилона тақсимлаш учун ғамхўрлик кўрсатиб, министрлик ҳузурида Амударё ҳавзаси бошқармасини ташкил этиб, ҳамма сув ҳавзалари «калити»ни унинг қўлига бериш пайти аллақачонлар етиб келган.

Шоликорлар мураккаб бир муаммога дуч келиб қолдилар. Улар юқори ҳосил етиштиришни ўрганиб олишди, аммо бу ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишолмаяпти. Гап шундаки, ўрмаловчи галла комбайни кўпи билан 35 — 40 центнерли ҳосилни ўришга мўлжалланган. Деҳқонларимиз эса гектаридан 70 —80 центнердан ҳосил кўтармоқдалар. Шундай экан, бундай мўл ҳосилга ҳозирги машиналарнинг «тиши» ўтмаяпти. Агрегат тўғри комбайнлаштиришга ҳам яхши мослаштирилмаган, ётиб қолган шолини ўриш учун мосламага эга эмас. Бу масалалар Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига маълум албатта, бироқ, машинасозлар янги машинани қачон «эгарлашлари» номаълум, холос.

Назаримизда, селекционер олимлар ҳам ўз сўзларини айтмаяптилар. Бизда экилаётган шолининг ўртапишар навлари 45—50 центнердан ортиқ ҳосили бўлганда обҳаво сал «мураккаб» келса ётиб қолади. Агар ўрим икки-уч ҳафта чўзилиб кетгудек бўлса, ҳосилини тўкиб юборади. Деҳқонларимиз тез пишадиган, ётиб қолмайдиган, юқори ҳосилли янги навларни орзу қилишмоқда.

Ҳозир республикада қишлоқлар қайта қурилмоқда, хуторлар тугатилмоқда, шаҳар типидаги янги посёлкалар қад кўтармоқда. Қурилиш ҳажми кескин даражада ўсмоқда. Бироқ девор материаллари, биринчи навбатда, гишт етишмаяпти. Заводлар СССР Биноқорлик материаллари саноати министрлигининг ёрдамидан умидвордирлар. Айниқса, корхоналарни қайта қуроллантириш, Қорақалпоғистонда запаслари мўл-кўл бўлган мармар, гранит қазиб олиш ва қайта ишлашни кўпайтиришда ёрдам кўрсатилиши зарур.

Ўйламизки, ана шу муаммоларнинг ҳал этилиши саҳоватли ўлкамизнинг янада гуллаб-яшнашига ёрдам беради.

Қ. КАМОЛОВ,
Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
Нукус шаҳри.

(«Правда», 3 июнь).

Оламда нима гап

Социализм мамлакатларида

ХОШИМИНДА ОЛИМПИАДА КЎРГАЗМАСИ

Хошимин шаҳрида «Москва — Олимпиада шаҳри» номли кўргазма очилди. Кўргазмага қўйилган минглаб экспонатлар орасида совет пойтахти Олимпиада-80га қандай тайёргарлик кўраётганини, янги спорт иншоотларини, меҳмонхона комплексларини ва маданий марказларини тасвирловчи фотосуратлар ва китоблар бор. Кўргазмада Москвага бағишланган фильмларни кўрсатиш ташкил этилган.

БИРИНЧИ ЭЛЕКТРОВОЗ КЕЛДИ

Руминиянинг Бакэу шаҳри темир йўл станциясига Ажуддан биринчи электровоз келди. Ясси темир йўлининг мана шу муҳим участкасини электрлаштириш белгиланган муддатдан бир ой илгари туғалланди.

Кейинги йилларда Руминияда пўлат магистралларни модернизациялашга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатдаги ҳамма темир йўлларнинг бешдан бир қисми электрлаштириб бўлинди. Шу беш йиллик мобайнида электрлаштирилган участкаларнинг узунлиги 1500 километр кўпаяди.

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Болгария пойтахтидаги Совет фани ва маданияти уйи очилганига беш йил бўлди. Унинг фаолияти мамлакатнинг ҳамма жойида яхши маълум. Беш йиллик мобайнида Совет фани ва маданияти уйида ўтказилган 6500 дан кўпроқ турли тадбирларда 2 миллионга яқин киши қатнашди.

Совет фани ва маданияти уйида доимо ишлаб турган: «КПСС XXV съезди қарорлари амалга оширилмоқда», «Совет турмуш тарзи», «Ленинча тинчлик йўлидан» лекторийлари болгар жамоатчилиги ўртасида тобора машҳур бўлиб бормоқда. Илғор совет тажрибаси мактабининг машғулотлари ғоят мароқли ўтмоқда.

Уй саҳнасида СССРнинг машҳур сан коллективлари билан учрашувлар, кўп миллатли совет маданиятининг таниқли усталари ижодий кечалари ўтказилмоқда, Кутубхонанинг китоб фондида 80 минг том бор. Фильм фондидаги кинолентала бир неча мингга боради. Рус тили кабинети доимо гавжум, бу кабинет рус тилини ўрганувчи болгарларга малакали ёрдам бермоқда. Совет китоби, музикаси, киноси клубларининг, «Октябрь» деган ёшлар сиёсий клубининг дўстлари тобора кўпаймоқда. София комсомоллари ВЛКСМ тарихи ва тажрибаси кабинетига маслаҳат ва ёрдам сўраб тез-тез мурожаат қилиб турадилар.

(ТАСС).

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЕФАСИ

МЕҲНАТКАШЛАР ФОЖИАСИ

АҚШ савдо министрлигининг хабар қилишича, апрель ойида асосий иқтисодий кўрсаткичлар индекси бирданига 4,8 процент камайиб кетган. Бунинг маъноси шуки, саноат корхоналари анча кам буюртма олган, қурилиш ҳажми кескин қисқарган, кўп ишчилар қисқартирилган иш ҳафтасига ўтказилиб, уларнинг иш ҳаҳи анча камайтирилган, минглаб америкаликлар умуман ишдан маҳрум бўлган.

«Эълон қилинган рақамлар, — деб уқтиради Эн-Би-Си телекомпанияси, —АҚШ экономикаси янада оғир замонларга дуч келишдан далолат беради. Ишлаб чиқаришнинг таназзули урушдан кейинги даврда ишсизлар армиясининг мислсиз кўпайишига олиб боради».

Картер маъмуриятининг «қатиққўл» иқтисодий сиёсати Америка меҳнаткашлари бошига фожиа бўлиб тушмоқда. Эн-Би-Си компаниясининг ҳисобига кўра, ҳозир мамлакатда 7,5 миллион ишсиз бор. Уларнинг сони тинимсиз кўпаймоқда. Май ойининг биринчи ҳафтасида автомобилсозликнинг ўзида иқтисодий прогноз қилиш соҳасидаги етакчи хусусий ташкилот бўлмиш «Дейта ресорсиз»нинг маълумотларига қараганда, шу йилнинг охиригача бориб америкалик ишсизлар армияси 8,9 миллион кишига етади. Истеъмол молларининг нархи ҳам тўхтовсиз ўсмоқда. АҚШ қишлоқ хўжалиги министрлигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳарид нархи май ойида 0,9 процент оширилганлиги тўғрисидаги хабари мана шундан далолат беради. (ТАСС).

БУ—ШАРМАНДАЛИК

Теҳронда 2 июнда АҚШнинг Эронга қарши агрессив ҳаракатларини текширишга бағишланган халқаро конференция очилди. Унинг ишида 50 мамлакатдан келган юздан ортиқ делегат, миллий озодлик ҳаракатларининг, регионал ва халқаро ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Конференциянинг бош секретари Аҳмад Саламатиянинг айтишича, Америка маъмуриятининг Эрондаги қўпорувчилик фаолиятидан, Америка банклари ва корпорациялари мамлакатнинг миллий бойликларини ўмариб кетганидан, «писмиқ американликлар» бу ерда жосуслик билан шуғулланганидан далолат берувчи ҳужжатлар делегатларнинг эътиборига ҳавола этилади. Бу конференция, деди у, Америка империализмининг Эронда қилган жиноятлари учун уни жуда кенг миқёсда қоралаш зарурлигини бутун дунёга ошкор қилади.

АҚШнинг расмий маъмурлари шу конференцияда қатнашадиган американликларни жазолаш билан дўқ қилмоқдалар, деди конференциянинг бош секретари. Вашингтон Хельсинки кенгашининг Якуновчи актига қўл қўйган бўлишига қарамай, мана шундай йўл тутаётганлиги «АҚШ Эрон халқи билан Америка халқи ўртасидаги мулоқотга қарши эканини, у аралашув ва Эронга қарши қўпорувчилик ишлари сиёсатини ҳамон ўжарлик билан давом эттираётганидан дарак беради», деб таъкидлади Саламатиян.

Ислом революциясининг раҳбари оятилло Хумайни халқаро конференция қатнашчилари номига мактуб йўллади. Эрон ҳукумати билан халқи, дейилади мактубда, кейинги ярим аср мобайнида собиқ шоҳ режими қилган жиноятлардан ва АҚШнинг шу мамлакатда 30 йиллик ҳукмронлик қилган даврида Эрон ишларига аралашганидан далолат берувчи ҳужжатларнинг ҳаммасини халқаро конференция ихтиёрига топшира олмайдилар. Шоҳ зиндонларидаги ваҳшиёна азоблар тўғрисидаги ҳамма далилларни конференция қатнашчиларига топширишнинг иложи йўқ. Бутун мамлакатда оммавий ўққа тутишлар вақтида ҳалок бўлган барча кишиларнинг рўйхатини тузишнинг иложи йўқ. АҚШ билан шоҳ режими Эрон халқига тиқиштирган ҳамма шартномалар ва битимларни батафсил баён этишнинг иложи йўқ. Отиб ташланганлар дафн қилинган ҳамма қабристонлар тўғрисида конференция қатнашчиларига маълумот беришнинг иложи йўқ, майиб ва маҳруҳ бўлиб қолган барча кишиларни уларнинг қаршисига келтириб қўйишнинг иложи йўқ. Эрон ҳукумати АҚШ агентлари йўқ қилиб ташлашга улгура олмаган мана шундай ҳужжатларнинг кичик бир қисминингина сизларга ҳавола қила олади.

Мана шу ҳужжатларнинг кўпчилик қисмини «Америка элчихонаси» деб аталмиш маҳкаманинг хизматчилари йўқ қилиб ташлаганлар, деб уқтиради Хумайни. Аммо мана шу жосуслар маконида қўлга туширилган ҳужжатларнинг ўзиёқ АҚШнинг Эрон ишларига аралашганлиги фактларини тасдиқлади. Американинг ҳарбий маслаҳатчилари халқимизнинг тақдирини ўз манфаатларини кўзлаб ҳал этиш мақсадида бизнинг ишларимизга бевосита аралашдилар. Мана шу аралашувлар оқибатида Эрон халқи бошига не-не қулфатлар ва жабру жафолар тушмади дейсиз!

АҚШнинг Теҳрондаги жосуслик макони «элчихона» деган сохта ном билан ниқобланди, бу ерда Эронда ва регионда жосуслик қилишга мўлжалланган аппаратлар жойлаштириб қўйилган эди, деб ёзади сўнгра Хумайни. Шундай қилиб, мазкур «элчихона» жосуслик учун ва мамлакатимиз ишларига аралашиш учун барпо қилинган эди. АҚШнинг мустақил Эрон территориясига қуролли десант туширши кечириб бўлмайдиган жиноятдир. Президент Картер Эронга яна қуролли бостириб кирмоқчи эканини айтмоқда.

Ҳозир халқимизнинг нигоҳи сизларга, АҚШ ва собиқ шоҳнинг бу ерда қилган жиноятларини текшириш учун Эронга келган турли мамлакатларнинг вакилларига қаратилган, деб уқтиради пировардида Хумайни, Халқ сизлардан адолат ва инсонпарварлик кутмоқда. Шу текширишларнинг натижасида золимлар қораланишидан умидворміз.

* * *

АҚШ юстиция министри Сивилеттининг айтишича, Эронга боришга жўръат этган американликлар ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади ва 50 минг доллар жарима солинади. Американлик сиёсий қуғаётувчиларнинг айтишича, юстиция министрлигининг жазо чоралари аввало АҚШнинг Эронга қарши агрессив ҳаракатларини текширишга бағишланган халқаро конференцияда қатнашмоқчи бўлган американлик юристларга қарши қаратилган. (ТАСС).

РЕАКЦИЯНИНГ ҒАЙРИИНСОНИЙ ҲАРАКАТЛАРИ

Афғонистон Демократик Республикасининг Миллий мудофаа министрлиги баёнот тарқатиб, АҚШда тайёрланган химиявий қуролдан Афғонистон территориясида фойдаланиш йўлидаги уринишларни кескин қоралади.

1980 йил 25 март куни АДР қуролли кучларининг соқчилари Ҳирот яқинида қилинмоқчи бўлган ана шундай уринишлардан бирининг олдини олган эди, дейилади баёнотда. Афғонистон территорияси ичкарисига суқулиб киришга уринган террорчилар группасини зарарсизлантириш вақтида турли-туман ўқ отиш қуролларидан ташқари, АҚШда тайёрланган химиявий граналалар ҳам қўлга туширилган эди.

Афғонистон ҳукумати билан халқи мана шундай ғайриинсоний ҳаракатлар бошқа такрорланмайди, деб ишонишга ҳақли эдилар. Бироқ, мазкур воқеадан кейин орадан бир ой ўтгач Ҳиротдаги халқ милицияси участкаларидан бирига химиявий заҳарли моддалар тўлдирилган граната ташланди. Соқчи бу қўпорувчилик ҳаракатига йўл қўймаслик учун қуролни ишга солди ва шу сабабли граната мўлжалга келиб етмади. Бу сафар ҳам террорчилик ҳаракати ўз ташкилотчилари кутган оқибатни келтириб чиқармади.

АДР қуролли кучларининг бўлинмалари Покистон чегарасига туташ районларда кўпорувчи газандаларнинг группаларига тегишли махфий қурол-ярог омборларини топиб олдилар. Бу омборларда ўқ отиш қуроли, миналар ва портловчи моддалардан ташқари, Америкада ишлаб чиқарилган заҳарли химиявий моддалар тўлдирилган қўл гранаталари ҳам топилди. АҚШ давлат арбоблари, деб таъкидланади баёнотда, инсон ҳуқуқлари тўғрисида сафсата сотмоқдалар, ўз гумаштала ри билан биргаликда «афғон масаласи» деган масалани муҳокамага қўйдирмоқдалар, совет қўшинлари химиявий қурол ишлатмоқда, деб афсона тўқимоқдалар, айни вақтда ўзлари эса Афғонистоннинг тинч аҳолисига қарши энг ваҳшиёна усуллар билан уруш бошлаш мақсадини кўзламоқдалар. Империализм билан реакциянинг хатарли планлари мана шундай.

Бироқ, афғон халқи душманларининг кирдикорларига қақшатгич зарба берилади, деб таъкидланади баёнотнинг охирида. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр ва музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун М. Уйғур номли Сурхондарё область ўзбек давлат музикали драма театри оркестрининг дирижёри ўртоқ Амин **Каримовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Оғаҳий номли Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг бош режиссёри ўртоқ Ибодулла Абдуллаевич **Ниёзметовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Ўзбекконцерт» республика гастрол концерт бирлашмаси «Наврўз» эстрада группасининг солист доирачиси ўртоқ Одил Орифхўжаевич **Камолхўжаевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми савдо системасида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун «Самарканд-мрамор» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи ўртоқ Исмоил Шайдулович **Сафиуловга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими** фахрий унвони берди.

Наримонов, Ҳ. Жовид, С. Вурғун, М. Ҳусайн, И. Қосумов, Р. Ибрагимбековларнинг драматик асарлари саҳна санъатимизнинг энг яхши намуналари қаторида тилга ва дилга тушди.

Замонамизнинг буюк композитори У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон» оперетаси ўзбек саҳнасида қайта-қайта саҳналаштирилди, гомошабинларимизнинг чексиз муҳаббатига сазовор бўлди.

Ўзбекистонда операнинг илк намуналари қаторида саҳнага қўйилган «Наргиз» озарбайжон операсини мамнуният билан тилга олмасдан, «Кўр ўғли» операсининг ўзбек санъатига таъсирини айтмасдан ўтиб бўладими? Озарбайжон драматург ва композиторларининг бадиий дурдоналари фақат артистларимизнинг профессионал малакасини оширишгина қолмай, балки драматургларнинг, адиблар ва композиторларимизнинг бадиий маҳоратини кўтаришга ҳам ёрдам берганн ҳаётий фактдир.

Ҳамзадан ташқари М. Уйғур, Ғ. Зафарий, А. Авлоний, З. Сандлар ҳам озарбайжон драматургияси ва музикасидан сабоқ олган, унга эргашган, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» (А. Навоий достонлари асосида) саҳна асарларини яратишда Хуршидга Озарбайжон музикали драмаларининг бой тажрибаси қўл келганлиги аёндир.

Ҳозирги кунда драматурглардан ташқари шоирлар ва прозаиклар ҳам ўзбек китобхонлари ўз она тилларида ўқиётганликлари қалбларимизда завқ ва шавқ туйғуларини уйғотади.

Ўтмиш классикларидан ташқари Самад Вурғун, Расул Ризо, Сулаймон Рустам, Меҳти Ҳусайн, Наби Ҳазрий китобхони кирмаган ўзбек хонадони йўқ десак муболаға қилмаган бўламиз. Биродарларимизнинг асарларини йирик ўзбек ёзувчилари — Ғафур Ғулом, Ойбек, Яшин, Уйғун, Зулфия, Рамз Бобожон, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Туроб Тўлалар ўзбекчалаштиргандар. Уларнинг таланти ва бадиий маҳорати туфайли озарбайжон ёзувчилари асарлари худди ўзларининг она тилларидек жаранглашмоқда, ўзбек китобхонларига катта эстетик завқ бағишламоқда.

Ўзбек адабиётшунос олимларининг ижодий равнақида ёки бўлмаса дўстларимизнинг ёш илм кишиларимизга бевосита кўрсатган ёрдамларида қардошлик туйғулари қанчалик тугён ураётганлиги билиниб турибди.

Ғафур Ғулом ёзганидек, ҳар иккн халқ ва уларнинг адабиётлари «Бири бирига устоз, бири бирига шогирд»лик вазифаларини зўр муваффақиятлар билан ўтамоқдалар.

Ўз навбатида ўзбек маданияти ҳам Озарбайжон адабиёти ва санъатига самарали таъсир кўрсатди. Масалан, ўзбек адабиёти Озарбайжон элида қадимдан машҳур бўлиб келган. Айниқса, қардош халқнинг йирик адиблари Навоий ижодини мутолаа қилган, ундан бадиий сабоқ олганлар. Фузулийнинг халқлар ўртасида жуда катта муваффақият қозонган достони — «Лайли ва Мажнун» ва унинг гўзал, нафис ғазалларини Навоийнинг таъсирисиз тасаввур қилиш қийин. Ғениал ўзбек шоирига қатор-қатор шоирлар авлоди, айниқса, XIX аср адабиёт намояндалари эргашдилар, унинг шеърияти билан боғлиқ бўлган ҳолда ижод этдилар.

Совет ҳокимияти даврида ўзбек адабиёти Озарбайжон элига кенг кириб борди ва унинг севимли адабиёти бўлиб қолди. Ҳамзанинг поэзияси ва драматургиясини, Абдулла Қодирий ва Шароф Рашидовнинг романларини, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Зулфиянинг ажойиб асарларини, Комил Яшининг драмаларини ва бошқа қатор ўзбек адибларининг ижоди намуналарини қардош биродарларимиз ўз она тилларида зўр иштиёқ билан ўқимоқдалар ва ўзбек адабиётининг муваффақиятларидан бениҳоя хурсанд бўлмоқдалар.

Бир тилдан иккинчи тилга қилинган таржималар, адабиёт ва санъат кунлари, юбилейлар, ёзувчилар ўртасидаги шахсий муносабатларнинг ҳаммаси ҳам икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини кучайтиришга, халқларнинг тарихи ва қурашини яхшироқ ва чуқурроқ билиб олишга ёрдам бераётганлиги шубҳасиздир.

Ғафур Ғулом билан Самад Вурғун, Комил Яшин билан Мирза Иброҳимов, Зулфия билан Марварид Дилбози, Рамз Бобожон билан Наби Ҳазрийлар ўртасидаги самимий дўстликни, биродарликни қадрлаймиз ва кўз қорачиғидай асраймиз.

Икки халқ ва уларнинг адабиётлари ўртасидаги алоқани кучайтиришда озарбайжон ўғлони, ўзбек адабиётининг улкан намояндаси М. Шайхзода катта хайрли, ижодий ишлар қилганлигини суюна-суюна гапирамиз.

Ҳамкорлик ва адабиётларнинг роли ҳақида атоқли озарбайжон адиби Меҳти Ҳусайн жуда яхши айтган: «Адабиётимизнинг улуғ намояндалари — Жаббор Жаббороза билан Самад Вурғун Ўзбекистонда қанчалик севилиб ўқилса, Ойбек билан Ғафур Ғулом Озарбайжонда шунчалик севиб ўқилади. Ҳар биримиз шуни яхши биламизки, қилич ва низолар солган жароҳатни шеър ва санъат ҳамиша даволаб келган. Зўр саркардаларнинг қиличига бўйсунмаган қалблар Низомий, Навоий, Пушкин, Воқиф, Фурқат ва Муқимий шеъларини олдида бош эгганлиги ҳаммага маълум».

Икки халқ маданияти ўртасидаги пўлатдай мустаҳкам дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик вақт ўтган сари янада чуқур илдиз отиб бормоқда, адабий алоқалар янги-янги чўққиларни қўлга киритиб парвоз қилмоқда. Ўзбекистонда ўтадиган Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари эса қардошлик ришталарини янада кучайтиришга ўзининг улкан ҳиссасини қўшажак.

Икки халқнинг маданият соҳасидаги дўстлиги қўшиқ сингари бутун мамлакат бўйлаб янграмоқда.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

БИР МАЙДОНДАН ИККИ МАРТА ҲОСИЛ

Чимкент областининг совхоз ва колхозлари озуқабоп экинларнинг ялпи ўримига Қозогистонда биринчи бўлиб киришдилар. Комплекс отрядлар ёз мавсуми давомида суғориладиган бир майдоннинг ўзида икки-уч марта озуқабоп экинлар етиштиришлари ва ўриб-йиғиб олишлари лозим.

Экинлари ўриб олинган майдонлар ҳайдалади, борона қилинади. Яхши тайёрланган ва ўғитланган ерларга манкажўхорининг серҳосил уруғи экилади. Ҳар гектар майдондан камида тўрт юз центнердан силосбоп кўкпоя йиғиштириб олиш режалаштирилмоқда.

Такрорий экинлар — суғориладиган ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўлларидан биридир. Айни бир вақтда озуқабоп экинлар икки ва ҳатто уч марта етиштириладиган майдонлар икки баравар кенгайтирилди. Кўп йиллик ўтлар маҳсулдорлигини кўпайтириш учун шу майдонларга суғдан ўт уруғи экилди. Энди «Пахтаорол» совхоз-техникуми бир ўримда беш-олти тонна пичан йиғиштириб олмоқда. Бу эса авваллагига нисбатан икки баравар кўпдир.

ДУСТЛАР ДАСТУРХОНИГА

Қозоғистон хўжаликлари чўнка шимол районларига, Урал ва Сибирнинг саноат марказларига янги ҳосил сабзавотини етказиб бера бошлади. «Таджикплодоовощ» бошқармаси умумиттифоқ фондига янги сабзавот ва мева етказиб бериш юзасидан 150 та шартнома тузди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бир қисми истеъмолчиларга темир йўл транспортида, помидор ва мева эса самолётларда етказиб берилади.

Умумиттифоқ фондига жами 30 минг тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева жўнатиш мўлжаллаб қўйилди.

ОЛИМПИАДА ХИЁБОНИ

Новосибирсклик динамочи биатлончилар Москвадаги Олимпиада-80 шарафига ёш оқ қайинлардан янги хиёбон барпо этдилар. Бу хиёбон Новосибирск билан Тогучин ўртасидаги трассанинг ўнинчи километрида пайдо бўлди ва уни «Олимпиада хиёбони» деб аташди. Биринчи дарахтни тўрт марта Олимпиада чемпиони Александр Тихонов ўтказди.

ТАКСИ ВОДОРОД БИЛАН ИШЛАМОҚДА

Харьков шаҳар кўчаларида бензопровод аралашмаси билан ишлайдиган такси машиналари пайдо бўлди.

Такси — «Волга»лар ёнилғини қизиқ тарзда олишади. Бунинг учун багажник очилади ва водород махсус аккумуляторга ўтказилади. Бу ерда у металл порошок ёрдами билан «пухта боғланади». Ҳаракат чоғида ишлатилган газлардан қизиган аккумулятор моторга газ беради.

Синовлар бундай автомобилларда бензин сарфи учдан бир қиссадан кўпроқ қисқаришини, чиқариладиган газлардаги зарарли моддалар миқдори қоғозда камайиб кетишини кўрсатди. Машиналар бир марта тўлдириш учун юз километр юришга етади, ғаъни такси ҳайдовчисининг бутун иш сменасига кифоя қилади.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

ТОШКЕНТДА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ НОВОСИБИРСК ДАВЛАТ «КРАСНИЙ ФАКЕЛ» ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛИ БОШЛАНДИ

●

Бизнинг театр бу йил ўзининг олтмишинчи мавсумини тугатмоқда. У 1920 йилда Одессада янги революцион театр сифатида дунёга келган. Ўша вақтдаги ҳамкасбларимизнинг шиорлари «Янги, ишчи театр мухлисларига хизмат қиламиз!» бўлган. 1932 йилдан бошлаб эса, театр Новосибирскда спектакллар кўрсатди. Ана шу шаҳарда ҳозирга қадар саҳнамизда пайдо бўлган спектакларнинг барчаси замонавий мавзуга бағишланди. Айни вақтда классик драматургиянинг энг яхши намуналарига мурожаат қилинди. Шу ҳақда гапирганимизда саҳнамизда А. Островский, А. Чехов, М. Горький, Н. Погодин, Б. Лавренев, М. Булгаков, Вс. Вишневский, К. Симонов, А. Арбузов, Л. Зорин каби таниқли ёзувчи ва драматурглар ва машҳур пъесалари асосида спектакллар ўйналганини, улар мухлислар томонидан илиқ кутиб олинганини мамнуният билан таъкидлаймиз. Бу ажойиб қалам соҳибларининг асарлари бугунги кунда ҳам театр репертуарига файз киритиб турибди. Масалан, Тошкент гастроли пайтида А. Островскийнинг «Ҳақиқат яхши, бахт эса ундан яхши», А. Чеховнинг «Ваня тоға» пьесалари асосида саҳналаштирилган спектакларни кўрсатамиз.

Кўтарган темаларининг актуаллиги, рус классикасининг ажойиб намуналарини ўзига хос саҳналаштиргани ва спектакларнинг юксак бадиий савияси учун театримиз эллигинчи йиллардаёқ «Сибирь МХАТи» деб ном қозонган. Биз бундай эътироф билан чексиз фахрланамиз. Бу эътироф ҳозирга қадар бизга куч-ғайрат ва илҳом бағишлаб келди. У келгусида ҳам бизни янги ижодий чўққиларга чорлайверади.

Театримизнинг бугунги кундаги ижрочиларидан ўн бир киши фахрий уннонга эга. Биз бу ўринда СССР Давлат мукофоти лауреати В. Бирюков, РСФСР халқ артистлари А. Гаршина, А. Покидченко, РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар В. Широнина, Е. Лемешонок, А. Лосев, В. Орлов ва бошқа актёр-актрисалар номларини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз. Репертуаримизда янги-янги спектакларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг профессионал жиҳатдан юксак ижро этилишида театримизнинг бош режиссёри, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. Иоанидининг хизматлари катта. Унинг бевосита ташаббуси ва жонқуярлиги туфайли кейинги йилларда томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган ва ҳозирда репертуаримиздан тушмай келаётган бир қатор мароқли спектакллар саҳнага қўйилди.

Тошкент гастролимиз бир ой давом этади. Биз бу ерга олиб келган репертуар «Большевиклар» (М. Шатров асари асосида), «Бир аҳлоқсизлик тарихи» (Э. Брагинский, Э. Рязанов), «Қарқушлар уяси» (В. Розов), «Севгининг ғалати «хисталар»и ҳақида гаплашамиз» (В. Панова), «Ҳақиқат яхши, бахт эса ундан яхши» (А. Островский), «Азиз ва гуноҳкор» (М. Варфоломеев), «Ўн учинчи ранс» (А. Абдуллин), «Дон Хуан» (Г. Фигейред), «Саккиз севимли аёл» (Р. Тома), «Феноменлар» (Г. Горин), «Виолят латифалари» (А. Вампилов) спектакларидан иборат. А. Чехов асари асосида ишланган «Ваня тоға» спектаклининг премьерасини Тошкентда ўтказмоқчимиз. Шунингдек, репертуаримизда болаларга бағишланган асар ҳам бор.

Тошкентда биринчи марта бўлишимиз, ўзбекистонлик санъатқорлар эса аллақачон бизнинг шаҳримизда бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш этишган. Биз «оқ олтин» ўлкасининг ажойиб санъаткорлари ва уларнинг ижрочилигини чин дилдан олқишлаганмиз. Тошкентга бўлган интилиш, ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг янги ролларини кўриш иштиёқи бизни бу ерга бошлаб келди. Ишончимиз комилки, гастролимиз муваффақиятли ўтиб, ўзбекистонлик театр мухлисларига санъатимизни яқиндан таништиради ва бу ердаги қардошларимиз билан бўлган ижодий алоқаларимизни, дўстлигимизни мустаҳкамлайди.

Спектакларимизга марҳамат, дўстлар!

А. ДОРОЖКО,
театр директори, РСФСРда хизмат кўрсатган артист.

Суратда: Новосибирск театрининг «Большевиклар» спектаклидан бир кўриниш.

ЯХШИЛАР ДАВРАСИДА

«ТЎТИЁ ҚИЛСАК...»

Бошига дурра тангиган, эгнига кенг кўйлак кийган қирқ беш ёшлардаги аёл бизга пешвоз чиқиб, қўлини кўксига босганча:

— Ассалому алайкум! Хуш кўрдик, меҳмонлар! — деди тавозе билан. Биз мақсадни айғлатдик. Аёлнинг ёқимли чеҳраси бирдан ўзгарди:

— Йўқ, йўқ, менинг бошқа отам йўқ! Менга ўгай эмас булар, ўз туғишганларим. Етимлик азобини тортганман десам кўрнамак бўламан!

Биз изза бўлдик. Ахир, Ёқишлоқда ҳамма биларди: Неъматжон ака билан Оминахон ая бефарзандликдан икки қиз асраб ўстиришган, уларни турмушга узатиб, бир этак невара-чевара кўришган.

Ота ҳузурига бордик. Кенг ҳовли саҳнида бири-биридан ширин болалар қий-чув бўлишиб, қувлашмачоқ ўйнашяпти. Оминахон ая айвондаги тахта сўрида чоқ машинани гир-гир айлантириб алланима тикяпти. Неъматжон ота эса чеваларига тикилганича оппоқ соқолини мамнун силаб ўтирибди.

Меҳмонларни кўриб, ўрнидан қўзғалди. Карл Маркс номли колхоз раиси Мунисхон Эргашева ҳазиллашди:

— Меҳмон бошлаб келяпман, ота. Қўй сўйдиган бўлдингиз!

— Меҳмонинг садағаси кетсанг арзийди.

Ота биз билан эски қадрдонлардай қучоқ кўришди. Хоналарнинг биридан ёш жувон чиқиб, чаққонлик билан сўрига жой тузай бошлади.

— Невара келиним, — деди Неъматжон ота бизнинг унга эътибор қилганимизни пайқаб, — Дилоромнинг келини, Муҳаммаджоннинг онаси. Ўзимиз билан туради. Туғишган укамнинг қизи. Сурхондарёнинг Чимқўрғонидан тушириб келганман...

Бу сўзларда қанчалар қувонч, ифтихор, миннатдорчилик туйғулари борлигини сезиш қийин эмас эди. Ҳозирланган жойга чиқиб ўтиргач, отанинг ўзини пойладик.

— Ҳа, шунақаси ҳам бўларкан! Аввалига фарзанд кўрмадик. Ўйимиз-дардимиз — бола. Бировлар боладан гап очса, ерга сингиб кетамиз. Яхши ҳамки колхоз бор, меҳнат билан овунасан киши.

Шу десангиз, бир куни ишдан қайта туриб юпунгина кийинган бир қизалоққа кўзим тушиб қолди. Эши еттисаккизларда. Сўраб-суриштирдим: ота-онасиз қолибди, қариндош-уруғлардан ҳам ҳеч кими йўқ, исми Дилором экан. «Менга қиз бўласанми?» десам, мўлтираб туриб йиғлаб юборди. Уйга бошлаб келавердим. Шу десангиз, аянгиз бирам суюндики, айланиб-ўргилиб бирпасда ўзига ром қилиб олди болани. Бўйи етганда қишлоғимизда ўсган, мана шу Каримжонга узатдик. Саккизта фарзанд кўришди.

Дилоромим энди бизга қўникиб, дастёр бўлганида яна бир қизлик бўлиб қолдик. Ўша кезлари уруш бошланиб, Белоруссиядан қишлоғимизга хотин-халаж, чолкампир, бола-чақа кўчиб келганди. Уларни колхозчиларимизникига жойлаштирдик. Кўшиналарникида яшаётган аёл дардманроқ эди. Бунинг устига эрндан, болаларидан устма-уст қора хат олиб, жуда қаттиқ қойиш тортди. Охири ёғиб қолди. Бир куни ишдан қайтиб хабар олсам, аҳволи ночор. Нима қилайлик десам, «Неъматжон ака, мени касалхонага ётқизинг, аҳволим оғирга ўхшайди, — дедию, кўзига ёш олди. — Биттаю битта шу Мира қизим қоляпти. Сиздан илтимос, унга оталик қилинг. Омон қолсам, яхшилигингизни унутмайман...» — деди. Хўп, деб уни Жалолқудуқдаги касалхонага ётқиздим. Қизчани уйга бошлаб келдим. Йўқ, онасининг умри қисқа экан, ўша ерда қазо қилди. Мира — мана шу Кароматим қўлимда қолди. Қизим бирам меҳнаткаш чиқдики, асти қўяверинг!

— Отам айтганларидай, уруш бошланган йили Минскдан келиб қолганмиз, — деди Кароматхон Маъмурова. — Ўшанда мен етти ёшда эканман, яхши эслаёлмайман у пайтларни. Онам ўлиб, бу меҳрибонларнинг қўлида қолдим. Оқ ўраб, оқ таралди. Ҳозир оналикман. Турмуш ўртоғим тракторчи. Бир қиз чиқариб, бир ўғил ўйлантирдик. Яна икки фарзандимиз, тўрт неварамиз бор. Жуда тотув, бахтиёр яшаймиз. Шу бахтни бизга ота-онамиз беришди. Уларни кўзимизга тутиб қилсак ҳам оз.

— Колхозимизда беш юз қирқ етти. Хўжалик бўлса энг намунали ошлалардан биттаси шулар, — сўхбатга қўшилди колхоз раиси М. Эргашева. —Неъматжон ота ва Оминахон аямиз узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт ичида обрў топганлардан. Неъматжон отанинг ёшлари саксондан ошиб қолган бўлса ҳам ҳамон колхоз боғида ишлайдилар. Дилоромхон опа, Каримжон ака, Кароматхон опа оилаларидан доимо ҳурсандчилик аримайди. Уларнинг қайноналари билан гаплашсангиз оғзидан бол томади, нуқул келинини мақтагани мақтаган. Қишлоғимиздаги ёшлар тарбияси ҳақида гап кетса, бу оилалар мисол қилиб келтирилади. Мактабдаги йиғилишларда шуларни ибрат қилиб айтамиз...

Биз бу серлутф, меҳмондўст хонадондан ўзгача бир туйғу билан чиқдик. Дарвоза олдида қузатиб қолган Неъматжон ота билан Оминахон аянинг чеҳраларида бахтиёрлик шуури балқиб турарди. Кенг ҳовлидан болаларнинг қувноқ, жарангдор қийқириқлари эшитиларди...

Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ИШЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Фарғонадаги азотли ўғитлар заводининг ремонт механика цехи тушки танаффус вақтида концерт залига айланди. Бу ерда Челябинск трубопрокат заводининг халқ хори концерт берди. Фарғоналик химиклар Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивалининг лауреати бўлган ана шу ҳаваскор коллектив қатнашчиларини самимий кутиб олдилар.

Фарғона азотли ўғитлар заводининг цехларида тез-тез шундай концертлар қўйилади.

ЭКСПОНАТЛАР ҲИКОЯСИ

Самарқандда очилган кўргазмага Афғонистон ва Эрон гиламлари, ёғочга ўйиб ишланган буюмлар қўйилган. Экспозицияни бу ерга СССР Фанлар академиясининг Улуғ Петр номли антропология ва этнография музейи юборган.

Самарқанддаги кўргазма Ленинград ташкил этишни мўлжаллаган кўргазмалар туркумининг биринчисидир. Кўргазма экспонатлари Шарқ халқларининг бой маданият тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Кўргазмага ўзбекистонлик усталарнинг асарлари ҳам қўйилган.

УЛКАН ИНШООТ

Тошкентнинг меъморий ансамблига яна бир улкан иншоот — «Узмежколхозпроект» институтининг 14 қаватли комплекси қўшилади. Шаҳарнинг марказий — Энгельс кўчасида қурилаётган минора типидаги бинода лабораториялар, лойиҳа устахоналари, ҳисоблаш маркази, кутубхона, архив ва бошқа хизматлар жойлашади. Ишлар ҳажмининг кўпайиб кетаётганлиги институт учун янги бино қуришни тақозо этмоқда. Бу ерда колхозлар учун хўжалик ички йўлларидан то шаҳар коммунал хўжалик қулайликларига эга бўлган экспериментал посёлкаларгача ҳамма объектлар лойиҳаланади.

БОЛАЛАР БАХТИНИ КЎЗЛАБ

Болалар бахтимиз ва келажагимиз. Шунинг учун ҳам социалистик жамиятимизда улар ҳақида гоятда катта ғамхўрлик қилинмоқда. Уларнинг қувноқ, бахтли ҳаётлари учун ҳамма нарса муҳайё этилган.

Мамлакатимизда, жумладан серқуёш республикамизда Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунини нишонлаш шу боисдан ҳам гоятда тантаналі бўлди. Пойтахт жамоатчилигининг ана шу кунга бағишланган йиғилишларининг қатнашчилари Ер юзида тинчлик учун, ўз фарзандларининг бахтли ҳаёти учун, мутлақо уруш бўлмаслиги учун қатъий курашжакларини баён қилдилар. Тельман номли парида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари ҳам тинчлик учун, барча мамлакатлар ва халқлар ёш авлодининг бахт-саодати учун бутун кучларини бағишлашга аҳд қилганликларини билдирдилар. Санъат усталари, ҳаваскор артистларининг энг яхши коллективлари ўзларининг ажойиб концерт номерларини Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишладилар.

Пойтахтнинг Авиасозлар маданият саройидаги йиғилишда ҳам шу фикр алоҳида таъкидланди. Йиғилишни СССР халқ артисти, Совет тинчлик фондига кўмаклашувчи республика комиссиясининг раиси Сора Эшонтўраева кириш нутқи сўзлаб очди. СССР халқ артистлари Галия Ғаниева ва Тамарахоним ҳамда бошқа таниқли санъат арбоблари, машҳур ансамбллар ва солистлар, кўпгина конкурсларнинг лауреатлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Мана шу концертдан тушган барча маблағ Тинчлик фондига топширилди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ВЕЛО-МОТО ҲАВАСКОРЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

Мотоцикллар, мотороллерлар, мопедлар транспорт воситаси сифатида қишлоқ жойларда ҳам, шаҳарда ҳам кенг тарқалган. Улар туристларнинг яқин ҳамроҳи бўлиб қолган.

Бугунги кунда Совет Иттифоқи мотоцикллар, мопедлар, мотороллерлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллайди ва фақат Японидан кейинда туради. Тўқиизта завод ҳар йили 17 модель ва модификациядаги бир ярим миллион донагача машиналар ишлаб чиқаради.

«ВОСХОД-2М» — МОТОЦИКЛНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИДИР.

Бу модель конструкторлари, мотоциклнинг юксак фойдаланиш жиҳатлари ҳақида ғамхўрлик қилишган. У фойдаланиш учун қулай бўлиб замонавий, чиройли жиҳозланган.

«ВОСХОД-2М» мотоцикли двигателининг қуввати — 13 от кучига эга, тезлиги — 90 км. соат.

Баҳоси — 525 сўм.

«ВЯТКА—ЭЛЕКТРОН»— БУ МОТОРОЛЛЕР ЮМУШ БИЛАН ЙЎЛГА ЧИҚҚАНИНГИЗДА ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ.

Унда узоқ муддатли туристик сафарларга ҳам чиқиш мумкин.

«ВЯТКА—ЭЛЕКТРОН» йўлда ҳеч қачон панд бермайди.

Деталларни ремонт қилиш ёки алмаштириш вақтида моторроллёр қопқоғини очиш қийинчилик туғдирмайди, бу двигателни очиб кўришда қулайлик туғдиради.

Рамасининг алоҳида ускуналанганлиги, пружинагидравлик амортизаторлар комплексида ўриндиқнинг модернизация қилинганлиги ҳайдовчига ҳам, йўловчига ҳам яхши қулайлик яратади.

Моторлар транзистор йўли билан ўт олдирилиши ҳар қандай об-ҳаво шароитида, ҳатто энг совуқ кунда ҳам двигателни тез юргизишга имкон беради.

«ВЯТКА—ЭЛЕКТРОН» моторроллери двигателининг қуввати —7 от кучига эга, тезлиги — 75 — 80 км. соат.

Баҳоси — 270 сўм.

Совет спортчилари «ВЯТКА—ЭЛЕКТРОН» моторолларларида ҳар йили халқаро мотопойгаларда қатнашиб келадилар. Жумладан, Италияда улар «Монако» кубогини қўлга киритдилар.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

«ВОСХОД-2М», «ИМВЗ-3.115» мотоциклари, «ВЯТКА—ЭЛЕКТРОН», «ТУЛИЦА» моторроллерлари, «РИГА-11», «РИГА-16», «ВЕРХОВИНА», «ПЕНЗА-МВ—18» мопедлари, «СКИФ», «КАМА», «ДЕСНА» велосипедлари, мотоциклларнинг ўзи ва прицеплар ва бошқа вело-мототоварларни

«ЎЗСПОРТТОРГ»НИНГ ҲЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

АДРЕСЛАРНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

1—Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 2-уй.
2—Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 16-уй.
42—Тошкент шаҳри, Олой бозори.
5—Янгийўл шаҳри, колхоз бозори.
18—Ангрен шаҳри, Ленин кўчаси, 6-уй.
34—Олмалиқ шаҳри, К. Маркс кўчаси, 39-уй.
44—Бекобод шаҳри, Аббосов кўчаси, 1/2-уй.
8—Андижон шаҳри, Победа кўчаси.
9—Ленинск шаҳри, Крупская кўчаси 1-уй
11—Фарғона шаҳри, Коммуйистическая кўчаси, 74-уй.
22—Қўқон шаҳри, Ленин кўчаси, 1-уй.
19—Маргилон шаҳри, Киров кўчаси, 103-уй.
6—Самарқанд шаҳри, Титов кўчаси, 134-уй.
7—Бухоро шаҳри, Коммунарлар кўчаси.
13—Термез шаҳри, 8 март кўчаси.
15—Гулистон шаҳри, Калинин кўчаси.
16—Урганч шаҳри, Кутузов кўчаси, 2 «а»-уй.
17—Нукус шаҳри, Татибоев кўчаси.
20—Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 11 «а»-уй.
10—Наманган шаҳри, Ленин кўчаси, 3-уй.

«УЗСПОРТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕРЕССАГЕНТЛИГИ.

М. УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: қурилишни планлаштириш ва ташкил этиш, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси, қурилиш иқтисоди, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, архитектуравий лойиҳалаш (профессорлар, фан докторлари ва номзодлар, доцентлар);

кафедра доцентлари: архитектуравий лойиҳалаш, қурилиш ишлаб чиқариш технологияси, сув таъминоти ва канализация, темир-бетон конструкциялари;

кафедра катта ўқитувчилари: металл, ёғоч ва пластмасса конструкциялари (2 ўрин), граждан ишлаб чиқариш бинолари архитектураси (2), материаллар қаршилиги, қурилишни планлаштириш ва ташкил этиш (2), иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция (2), сув таъминоти ва канализация (2), инженерлик геодезияси (2).

КОНКУРС МУДДАТИ 1 ИЮЛГАЧА.

Ҳужжатлар қўйидаги адресга юборилсин: Самарқанд шаҳри — 47, Лолазор кўчаси, 70-уй. Телефон 3-20-25.

●

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/VI да **Ўжарлар**, 5/VI да **Она қизим.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Кўзга кўринмас одам» фантастик-саргузаштли аттракционнинг хайрлашув гастроллари** (19.30 да).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси

9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

«КРАЗ-256», «МАЗ-503» маркали автомашиналарда ишлаш учун 1, 2, 3-класс шоферлари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бектемир шаҳри, Лихачёв кўчаси, 2-уй (106-автобуснинг «9-автобаза», 7, 15, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Геология министрлигига қарашли Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда разведка қилиш институти коллективи геология-минералогия фанлари кандидати, қатлам физикаси лабораториясининг мудири Ш. Н. Дўстмуҳамедова отаси

Набн ДУСТМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти коллективи доцент Н. Исматуллаевга онаси

Асад ИСМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент халқ хўжалик институти коллективи КПСС тарихи кафедрасининг доценти Х. А. Исматуллаевга отаси

Асад ИСМАТУЛЛАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СПОРТ

ГАНДБОЛЧИЛАР ТУРНИРИ

ЖЕНЕВА. Халқаро гандбол федерацияси қўл тўпи бўйича Олимпиада турнирининг чек ташлаш натижаларини эълон қилди. Монреалдаги Олимпиада чемпиони — СССР терма командаси Югославия, Руминия, Швейцария, Кувайт ва Жазоир командалари билан бирга «В» группасида ўйнайди. «А» группаси ГДР, Дания, Польша, Испания, Венгрия ва Куба терма командаларидан иборат бўлди.

ЕШЛАР ТЕРМА КОМАНДАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ПАРИЖ. Футбол бўйича СССР ёшлар терма командаси Тулонда бошланган анъанавий халқаро мусобақанинг биринчи ўйинида Мексика командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўпни 69-минутда Минскнинг «Динамо» командасидан ҳужумчи Гуринович киритди.

Мусобақада саккиз команда иштирок этмоқда. Бизнинг группамизда Франция ва Руминия терма командалари ҳам қатнашмоқда. Улар ўртасидаги ўйин 2:0 ҳисобида ёш француз футболчиларининг ғалабаси билан тугади.

КАМОН ОТИШ:

ЧЕМПИОННИНГ НИШОНИ

Москвадаги Олимпиада спорт иншоотида мамлакатимизнинг кучли камончилари СССР чемпионлиги учун ўзаро баҳсни давом эттирмоқдалар. Дастлабки кун мусобақаларида грузин камончиси К. Лосаберидзе ғолиблик қилаётган эди. Мусобақанинг иккинчи кунидан бошлаб, СССР халқларининг VII ёзги Спартакиадаси мутлақ чемпиони тошкентлик Наталья Бутузова маҳорат кўрсатди.

Халқаро классли спорт мастери 2x70, 2x60 метрдан нишонга олиш бўйича муваффақият қозониб, чемпионатнинг дастлабки ўқ олтин медалига сазовор бўлди. Москва Олимпиадасига муносиб номзодлардан ҳисобланган Наталья чемпионлик учун курашни давом эттираётган бўлса, унинг ҳамшаҳри Ольга Рогова фахрли ўриндан бирига даъвогарлик қилаяпти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бахтли болалик. 10.20 — Карл Маркс. Навқиронлик йиллари. Бадиий фильм, 2-серия. 11.25 — Киносафҳатчилар клуби. 12.25 — В. Моцарт. Кларнет, альт ва фортепьяно ижроси учун трио. 15.00 — Янгиликлар 15.20 — Қишлоқдаги оддий иш куллари. 15.40 — Ўқитувчига музика дарси. 16.40 — Рус тили. 17.10 — Спорт программаси. 17.50 — Ёзги меҳнат чоғаги бошланди. 18.20 — Объектив. 18.50 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Концерт. 20.25 — Карл Маркс. Навқиронлик йиллари. Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстларимиз чеҳраси. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Конфоланда халқ куйлари ва рақсларининг халқаро фестивали.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — Иншоида қандай ёзиш керак? 12.30 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Химия. 13.30 — Шимол ёғдусини ёқинг. Бадиий фильм. 18.20 — Бизда қишлоқ бўлмайди. 18.30 — Камалак. 19.00 — Автомобиль транспортда бригада пудрати. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Пилла — бойлигимиз. 20.00 — Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ижоди ҳақида видеофильм. 20.30— Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларининг очилишига бағишланган тантанали кеча.

II

20.05—Янгиликлар. 20.25 — Ким бўлсам экан. 20.55 — Физика. 21.55 — Пойтахт область далаларида. 22.25 — Қул бўйнида. Бадиий фильм, 2-серия.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Озарбайжон эстрада артистларининг концерти. 9.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Беш йиллик — муддатидан илгари. 13.30 — Полад Булбул ўғли куйлайди. 14.00 — Бугун — Оқолтин район далаларида. 22.25 — Ер юзида тинчлик учун, ўз фарзандларининг бахтли ҳаёти учун, мутлақо уруш бўлмаслиги учун қатъий курашжакларини баён қилдилар. Тельман номли парида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари ҳам тинчлик учун, барча мамлакатлар ва халқлар ёш авлодининг бахт-саодати учун бутун кучларини бағишлашга аҳд қилганликларини билдирдилар. Санъат усталари, ҳаваскор артистларининг энг яхши коллективлари ўзларининг ажойиб концерт номерларини Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишладилар.

Пойтахтнинг Авиасозлар маданият саройидаги йиғилишда ҳам шу фикр алоҳида таъкидланди. Йиғилишни СССР халқ артисти, Совет тинчлик фондига кўмаклашувчи республика комиссиясининг раиси Сора Эшонтўраева кириш нутқи сўзлаб очди. СССР халқ артистлари Галия Ғаниева ва Тамарахоним ҳамда бошқа таниқли санъат арбоблари, машҳур ансамбллар ва солистлар, кўпгина конкурсларнинг лауреатлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Мана шу концертдан тушган барча маблағ Тинчлик фондига топширилди.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 33-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16 совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ; ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-82, Жиззах — 31-66, Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси нинг назоратчиси — 33-90-50.

Р. — 02044. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 128. 6